

ЎЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИ

КҮП ТОМЛИК



Тошкент
Фафур Ғулом номидаги
Адабийёт ва санъат нашриёти
1986

ШОҲДОРХОН

Айтувчи: Усмон Маматқул ўғли

Езиб олувчи: Мансур Афзалов

Нашрга тайёрловчи: Тиловқул Ашурев



Гўрўғли Чамбил туркманинг соҳиби бўлди. Бу халқ уни ўзига хон кўтариб олди. Гўрўғлининг хон бўлганини эшишиб, ҳар қишлоқнинг катталари ўзларини саркардаларга лойиқ кўриб, Гўрўғлининг қошида бекорчи ошхўр минг саркарда пайдо бўлди. Гўрўғлининг Фироти билан ўзининг донғи ҳар тарафга машҳур бўлди.

Гўрўғли ўттиз беш ёшга борганда Кўйиқоф — Боғи Эрам подшосининг қизи Юнус пари унинг донғини эшишиб «Қарай-чи, қандай киши экан?» деб Чамбилистонга учиб келди. Гўрўғлининг қадди-қоматини кўриб, иштиёқига ишқивоз бўлиб тегди. «Кўйиқофдан бир пари келиб Гўрўғлига текканмиш» деб эшишиб, Исфиҳондан Мисқол пари, қирқ ёшга кирган Гўрўғлига келиб тегди. Гўрўғли қирқ беш ёшга борганда Кўҳистондан Гулнор пари келиб тегди. Гўрўғли паридан уч хотин олди. Ёши элликка етди, бола кўрмади.

Одамзоддан тўққиз хотин олди, бола кўрмади. Ёши олтмишга борганда Каркистонда Холдор деган қизилбош ўғлини олиб қочиб келди.

Ҳасанхонни бош ўғлим деди. Ҳар бир мамлакатларга, барча кўча-кўйда кўзига ботир кўринса, олиб қочиб келиб, йигит қилиб олишини одат қилди. Қирқ йигит бўлди. Буларни тарбия қилиб, катта қилди. Буларга от-анжом, совут, яроқ-жабдуқ, наиза-қилич тайёрлаб бериб, боқиб олган қирқ йигити овини овлаб, дала ерларнинг даврини суриб ўтаверди. Йигитларнинг қирқаласи қачон Гўрўғли ўрдада бўлса, бир жойда бўза, шароб ичиб, айқиришиб ётар эди.

Қачон Гүрӯғли овга чиқар бўлса, қирқ йигитни отлантириб бирга чиқарди. Гүрӯғлига четдан душман келмас эди. Ҳар куни бир минг саркарда хонни ўрдасига кўргани кўрикка эрта билан кирап эди. Иш қилувчилар хат ишлари бўлса ёзиб ўтирап эди.

Сўроқчи амалдорлар сўроқ столидан ўрин олиб ўтирап, бир минг саркарда хон билан ўтирган эди, Гүрӯғлининг дилига бир сўз келди. Косягулдан бир коса шароб талаб қилди. Косягул хон қўлига бир коса шароб келтириб берди. Хон ўғли Соқини чақирди. Соқи ўрнидан туриб, отасининг қошига борди. Гүрӯғли қўлидаги косани Соқига берди. Соқи косани олиб пойгакка ўтди.

Косани ичиб, бўшатиб, яна отасининг қўлига қўшқўллаб келтириб берди. Яна пойгакка бориб таъзим қилиб, деди:

— Э. қиблагоҳим, мен каминани нима хизматга лоийиқ топиб назарга олдингиз? Буюринг; танимда жоним бор, бажонидил хизматингизни қиласман.

Гўрӯғли айтди:

— Э фарзанд, тела¹ хонада беш юз аргумоқ отлар ётипти. Бир йилдан бўён кўк еган эмас. Шу отлар абор бўлди. Ёз ҳавоси тоғлар салқиндир. Тўрт-беш сайисни ўзингга ҳамроҳ қилиб, шу отларни ҳайдаб, беш-үн кўн бир кўҳлатиб келсанг. Соқи бу хизматга ўзини мутасадди қилди. Етти сайисни ўзига ҳамроҳ қилиб, беш юз отни ҳайдаб Чамбилнинг чўлига чиқди. Ўрта бел адирдан ҳам ўтди. Ҳовдакни қўлига етди. Ул сайислар билан отларни Ҳовдакка ташлаб, адир-қияларни ўзи айланиб ўтлов ер қидирди.

Яна қайтиб сайислар олдига келди:

— Эй сайислар, адир, қия, чўли кўл, тоғларни кездим. Ҳовдак кўлидек ўтлов жойни топмадим. Ҳовдак кўлда қамишзор, яна емакка ўт сероб, ичмакка булоқ сероб, кўланкали дарахт сероб, ҳавоси яхши экан. Отлар беозор боқилади,— деб йилқичиларга шу ерни тайин қилди. Тепанинг устига чиқиб ётар қўшларини, қозон-идишларини тайёрлаб йилқичилар овқат ҳаракатини қилди. Шу турганича олти ой туриб қолди. Олти ойдан кейин Соқи йилқичиларга буюрди:

— Иилқиларни ҳайдаб чиқинглар, кўрайлик-чи, не даражага етдикан?

Иилқичилар отларни тўплаб, тепанинг тагига олиб келди. Соқи отларни кўриб хушвақт бўлди.

¹ Ерни ўйиб ишланган отхона.

— Отлар яхши тўлипти, кўнгилдагидек бўлипти. Хон кўрса кўргудек, қилган ишимиз хонга манзур бўлгудек, ҳар қайсимизга яхши инъом қилгудек бўлипти. Отларни ҳайдаб борайлик, отамга кўрсатиб инъомини олайлик,— деб Фиротни ушлади, эгарлаб устига минди. Соқи отда тепанинг устига чиқиб атрофдан йўл қаради:

— Эй йилқичилар, куз ҳавоси бўлса ҳам кун иссиқ экан. Тўсин¹ отлар яйловда ўсаллаб қолмасин. Қайси йўл сердараҳт, салқин бўлса, шу йўл билан ҳайдаб кетайлик,— деб атрофга қараб туриб эди. Асқар тоғ устидан чанг кўринди. Соқи йилқичиларга:

— Эй йилқичилар, Асқар тоғ устидан лашкар кўринди. Бу тепаларда лашкар йўқ эди. Эҳтимол душман бўлса. Сизлар отларни жилға кўча билан адир қиясидан ҳайдаб, тезлик билан сайисхонага етказинглар, бу отлар ёв қўлига тушиб қолмасин. Мен сизлар билан бирга кетсам, отамга дашти Чамбилда лашкар кўрдим десам, бир кишини юбориб хабар олдирса, киши чиқиб хабар олгунча, бу лашкар бошқа тарафга ўтиб кетган бўлса, «йўқ экан» деб отамга бориб айтса, менинг сўзим ёлгон чиқмасин. Мен сизлардан ажраб, шу лашкарнинг йўлига борайин, ким эканин кўрайин, қаердан келиб, қаерга боришини билиб, отамга айтайин,— деб йилқичиларни жўнатди.

Булар жилға кўча билан отларни ҳайдаб, Чамбилга қараб кетди. Соқи Фиротнинг устига минганича амалдорларнинг йўлига чиқиб борди. Кўрдики, бир ажиб ғайри халқлар. Буларнинг мингани отларининг катталигини кўриб Соқи ҳайрон бўлди. Ҳар қайсиларининг бошларида дубулға, кийганлари пўлат совут, ҳар қайсисининг белида тилладан чам боғланган. Белларида камар, қилич ҳам ханжар, атрофларига ҳам ҳамойил қилган. Найзайи жонситонни елкасига солган. Булар ўнгу сўл сўзлаб келяпти. Буларнинг ҳайбат-саловати, яна қаддиқоматини кўриб Соқи ҳайрон қолди. Бу мамлакатда Гўрўлидай басавлат киши йўқ эди. Буларнинг энг пашмина пўшиям² Гўрўлидан басавлат кўринди. Соқи буларга қараб бир сўз деди.

Бу дунёда кўпдир инсоннинг сони,
Бу дунёнинг ҳеч жонга йўқ поёни,

¹ Бокувлик.

² Юнглик кийим кийгани демоқчи.

От ўйнатиб қайси ердан келасан,
Асилизодам, айтгин, кимнинг душмани?

Остингда ариллаб ўйнайди отинг,
Бошда тожу эгнингда пўлат совутинг,
Мен сўрайман аслинг қайдан келасан,
Йўл юрмоқдан надир сенинг мақсадинг?

Ол-ол бўлсин, ол бўлсин,
Олган ўлжанг ҳар мақсадда мўл бўлсин,
Отга миниб ғазабланиб қеласан
Қайси юртнинг қасдига, йўл бўлсин?

Белингда камардир, қиличу ханжар,
Ҳам найза қўлингда, тутганинг сипар,
Сени кўриб дилим бўлди гумондор,
Сиринг айтгин, йўл бўлсин душманлар?

Энди у тарафдан эшиting:

Ошиб отим олти довон Олойдан,
Забон топай гўё тили танглайдан,
Сени кўрдим бугун бизга йўл бўлди,
Биз келамиз Шоҳдор эли — Саройдан.

Ботир киши ёвдан қайтмас ўлгунча,
Саройнинг улуғи Шоҳдоршоҳ подшо,
Бизни элчи қилиб Чамбил юборди,
Йўлдошим йўловчи Чамбилга бошла.

Бизга кўрсат Така-Ёвмит элини,
Тутиб боғласак Гўрўғлининг қўлини,
Бошин кесиб, талаб Чамбил элини,
Опкетармиз бол Аваздай улини!

Соқижон оҳ тортиб, кўзин ёшлади,
Таваккални ҳақ ўзига ташлади,
Отамни сақлагай қодир худо деб,
Элчиларни Чамбил қараб бошлади.

Чангу туман қилди Чамбил дашига,
Ёқаси ҳўл кўздан оққан ёшига,
Ақли етмас тез душманлар ишига,
Пешин вақти йўлбошли бўп буларга,
Намозгарда етди дала-дашига.

Булар бориб тўхтади. Дарвоза очиқ эди. Лашкар қорасини кўриб (дарбозабон) дарвозани тортиб қўйди. (Улар) дарвоза қошида туриб қолди. Чамбилининг чор атрофи адир эди. Қала — қўрғон девори адир устига урилган эди. Чамбилининг Чорси бозоридан ўттиз икки тарафга йўл чиқарган эди. Ўттиз икки йўлнинг бошига дарвоза қурилган эди. Ул элчилар чор атрофдаги дарвозаларни кўрди. Шаҳарнинг ўзи чуқурлик ичида эди. Бир дўпидай қишлоқ кўринди. Ул элчилар дарвоза, қалаларни, шаҳарнинг авҳолатини кўриб, масхара қилиб кулар эди. «Ўзи бир оз қишлоқ экан, шаҳар тартибida қала — қўрғон қилиб қўйилти» деб эрмаклар эди.

Бунда Соқига қараб элчилар айтди:

— Эй йўловчи, бу нима қишлоқ? Соқи айтди:

— Сарой элдан, етти ойчалик йўлдан орзу қилиб келган Чамбилининг шудир. Элчилар айтди:

— Эй йўловчи, одаммисан, озитқимисан? Бизни озирмагин, биз йўл азобини кўп тортиб келганимиз. Бизга бошқа қишлоқни Чамбил деб кўрсатаяпсан. Бизни Чамбилининг ўзига бошлагин. Саройда етти ҳоким, Шоҳдор бошлиқ ҳаммалари бир ерга жам бўлиб Чамбилини тавсиф қилишган. Гўрўғлининг қошида тўқсон тўққиз туфор, саксон саккиз сардор, етмиш икки жиғадор, ўттиз икки дарвоза қози, ҳоким, ўттиз икки муҳрдор сўроқ қилиб турди, деган. Шунча амалдорлар сўраган Чамбили шуми? Кўп бўлса уч юз уйли бўлмаса, икки юз уйли экан. Қайдан, қирғиздан қочиб чиққан янги чекни бизга Чамбил деб кўрсатасан. Бизни овора қилмай Гўрўғли сўраган Чамбилининг ўзига бошла,— деди. Бунда Соқи айтди:

— Гўрўғлининг сўраган Чамбили шудир. Бошқа Чамбил бўлса мен билмайман,— деди.

Элчилар айтди:— Шу Чамбилга кирсак Гўрўғлининг ўзини кўрсатиб қўяссанми?— деди. Соқи:— Кўрсатиб қўяман,— деди. Яна Соқи сўради:

— Азбаройи ёвмисан, ё элчи?

У вақтда элчилар айтди:

— Бизнинг подшомиз Шоҳдор етти ҳоким ичидан баҳодир паҳлавонлардан танлаб, Гўрўғлининг устига юборган. Гўрўғли умрбод юртдан олган бож — хирожини бизга берсин ҳам дамимизга кирсин, Авазхон ўғлини ҳам юборсин. Ул юртнинг ҳокими бўлиб турсин. Агар бу сўзга амал қилмаса қўлини боғлаб, юрагини доғлаб, Гўрўғлининг бошини кесиб, Аваз ўғлини тутиб,

юртини талаб келинглар,— деган. Бизнинг ёнимизда элчилик номамиз бордир,— деди.

Соқи бу сўздан огоҳланди. Дарвозабонга қараб айтди.

— Эй дарбозабон, булар ёв эмас, элчи экан. Буларга йўл бермоғинг яхшидир, дарвозани очгил!

Дарвозабон дарвозани равон очиб қўйди. Соқи йўл бошлаб, шаҳарга қараб юрди. Чамбилни ҳар бир кўчасидан кирган киши шаҳарни ўттиз икки марта айланмасдан ўрта бозорга етмас эди.

Намозгарда кирганича туни билан йўл бошлаб, тонг отди. Кун қулоч бўйи чиққанида Гўрўғлиниң сиртқи ўрда дарвозасига етди. Уч пой остонодан ўтиб, Гўрўғлиниң ҳузурига етар экан. Дарвоза очиқ экан. Жамики саркардалар хоннинг олдига кўрикка кирган экан. Бу лашкарни кўриб, дарвозабон дарвозани бекитди.

Соқи айтди:— Эй элчилар, хоннинг олдига беижозат кирмоққа йўл йўқдир. Кимки хонни олдига кирса ижозат олади. Хоннинг олдида бир минг саркарда, амалдорлари бордир. Туйқисдан кириб борманглар, амалдорлар, қилич-андозлар, наизадорлар сизларни орага олиб, жанг мағлуба бўлар, обрўларинг кетади. Менга элчилик номангни бергин, хонга олиб кириб кўрсатай. Сизлар шу ерда туринглар. Хон номаларингни ўқитиб элчиликларингни билса, улуғлар тартибида элчига озор йўқдир, сизга жой тайин қилас. Бунда ҳурматларинг жойида бўлади. Бу Соқининг сўзи элчиларга хуш келди. Элчилар айтди:

— Эй йўловчи, ўзинг оқил киши экансан. Бу номани олиб кириб хонга бергин. Гўрўғли бизнинг зўрлигимизни билсин, ўтирган бўлса турсин, танасига гапини ўйлаб чиқсин, бизнинг йўлимизни хушлаб чиқсин, Авазни туҳфа қилиб, қўлидан ушлаб чиқсин. Шу номага амал қиласа элчи дермиз, агар бу номага амал қилмаса, билмаса, билдиргусимиз,— деб Соқининг қўлига номани берди.

Соқи дарвозабонга:— Мен кирай, яна эшикни бекитиб қўй, булар кирмасин,— деди. Дарвозабон эшикни қиялаб Соқини ўтказиб юборди. Элчиларни киргизмай, тағин дарвозани бекитиб олди.

Соқи отасининг олдига кириб борди. Олти ойдан бери отасини кўрмаган экан. Гўрўғли дилида «Соқи олти байдан бери келмади» деб турар экан. Соқи пойостонадан ўтиб, отасига кўзи тушди. Салом-жавобга нафаси чиқмай, ўпкаси тўлиб, отасига таъзим қиласди. Гўрўғли кўр-

дики, Соқи йиғлаб турибди. Бунда Гўрўғли Соқига қараб бир сўз деди:

Сўз айтарман сўзим эшит юз алвон,
Мен ўлмасдан нега кўзинг ёшладинг,
Қоматингдан, ҳорма, қўзим Соқижон.
Олтой¹ бўлди, болам, қилдинг хизматим,
Үйлаб турсам ичка сиғмас ҳасратим.
Мен ўлмасдан нега кўзинг ёшладинг,
Нимадан камитди сени давлатим?

Хон Гўрўғли дейди менинг ўзимни,
Фарзанд доғи сарғайтди гул юзимни,
Мен ўлмасдан ёшламагин кўзингни,
Қандай душман хор айлади қўзимни?

Шунда Соқи бир сўз деди:

Иилқи боқиб қайтдим Ҳовдак кўлимдан,
Ўлим ваҳмин унутмасман дилимдан,
Келаримда кенг Чамбилинг чўлиндан,
Бир юз олтмиш душман чиқди йўлимдан.

Душманларни тўсиб чиқиб йўлидан,
Келар жойин, борар йўлин сўрадим.
Сўз айтарман гўё тили танглайдан,
Жумла жонлар пано тилар худойдан.

Бу душманлар жавоб берди сўзимга,
Элчи кепти Шоҳдор эли Саройдан.
Иилқи боқиб юрдим туркман устида,
Душман дучор бўлди адир пастида.

Бу душманий борар жойин сўрасам,
Келган экан Чамбилингни қасдида.
У душманлар мени йўлбошли қилди,
Олиб келдим Чамбил ичига бошлаб.

Менга дучор бўлди Чамбил даштида,
Қўлда қилич бош кесмакни қостида,
Олиб келдим бу душманларни бошлаб.
Санжаб² бўлди сиртқи ўрда қошида.

¹ Олти ой.

² Келиб қатор бўлиш.

Сўраб билдим душман экан зотини,
Мўминга солмасин душман отини,
Сиртқи ўрда дарвозасида қолди,
Олиб келдим элчи нома-хатини.

Ичка сиғмас айтар бўлсам ҳасратим,
Бу душманга йўлбошли бўп фарзандинг,
Куч кетганда юз ўғирди давлатинг.

Бу сўзни Соқи отасига айтиб, хатни отасининг қўлига берди. Мирзалар хатни ўқиб, улуғларга билдириди. Гўрўғли саркардаларга назар солиб, бир сўз деди:

Юртга ҳоким бўлдим ўттиз ёшимда,
Доим ўйлаб, ғаму — савдо бошимда,
Бу дардимни кимга айтиб сўйлайин,
Бир минг жиғадор саркарда қошимда..

Ёшлигимда ҳақ олмади жонимни,
Машҳур қилди бу дунёда шаънимни,
Бегайратлар еди ошу нонимни,
Бу хизматни кимга лойиқ топаман,
Беорият беклар кийди тўнимни.

Ичка сиғмас ўйлаб турсам ҳасратим,
Бир кунча бўлмади кўрган давлатим,
Менда йўқдир ини-оға, эр, ўғил,
Қилар эди душманга ориятим.

Беўғил банда билмас ҳолини,
Ҳақ сақласин Гўрўғлининг элини,
Олдимда бор бир минг номдор, амалдор,
Бу турғанлар билмас душман тилини.

Ийнимда бордир мени чем¹ садофим,
Ўлгунча кетмайди кўксимда доғим,
Кел олдимга, Аваз ўғлим, чирофим,
Сен, душманга тутар ўткир яроғим.

Аваз, болам, мени жони дилимсан,
Дилим очар ҳам гўё булбулимсан,
Наслинг билсам боқиб олдим ёшлиқдан,
Мен ўлганда сен меросхўр улимсан,

¹ Қурол номи.

Даврин сурдинг Чамбил туркман элини,
Тур ўрнингдан, қоматингдан бол Аваз,
Сен биларсан бу душманинг тилини.

Эр йигитлар, сулув қизлар йўлдошинг,
Мен тирикман, хор бўлмасин бу бошинг,
Бу хизматни ўзинг қилғил, жон болам,
Ота гапли кепти, қўзим, тилдошинг.

Бу хизматни бол Аваз ўзига лойиқ топиб, ўрнидан турди. Тъзим қилиб, отасининг олдидан чиқиб кетди. Ўзининг уйига кириб усти-бошини кийди. Симсори телпакни бошига кийиб, кокилини икки тарафга ташлаб, тилла ҳассани қўлига ушлаб, отаси турган ўрданинг дарвозасидан чиқиб, бундан ўрта дарвозадан ҳам чиқди, элчилар турган дарвозага етди. Дарвозанинг бир қанотини очиб, элчиларга қараб турди. Элчилар Авазни қўриб, қадди-қоматига, ҳусни-сифатига, қуралайдай кўзига, гулдай юзига қараб таҳсин-оғарин дер эди.

«Шундай ҳам чиройли ўғил бўлар экан», деб Авазнинг жамолига ҳушлари кетди. Ярмининг оғзи ўлган ўликдай анқайиб, оғзи очилиб қараб қолди. Қолганлари бир нечаси кўкрагига уриб, Авазга хушомад қиласди. Аваз буларга қараб бир сўз деди:

Мусо фирмандоим оқар кўз ёшим,
Кеча-кундуз ғам бўлди йўлдошим,
Хуш кепсизлар, бу Чамбилни шаҳрига,
Кенг саройлик, ҳам элчилар тилдошим.

Юрагимда бордир алам яраси,
Уч ойчалик ота юртим ораси,
Асли мени отим билсанг бол Аваз —
Гуржистонда Хунхор шоҳнинг боласи.

Чамбилга келганман мен тўрт ёшимда,
Ғам савдоси доим ҳамроҳ бошимда,
Ёшлигимда келган әдим Чамбилга,
Мирғазаблар доим менинг қошимда.

Ун бир йил тортдим жабри аламни,
Софинаман отам билан энамни,
Кетай десам Хунхор йўлин билмайман,
Доғлаб ўтдим доим гулдай танамни.

Юринглар кўрсатай Чамбил йўлини,
Боғлаб берай Гўрўғлиниң қўлини,
Бошин кесиб талаб мулки Чамбилни,
Мени бирла оп кетиңглар, оғалар,
Кўрсатиб қўйинглар, Хунхор йўлини.

Цидамайман кўрган жабру аламга,
Утлар ёқар мусофирилик танамга,
Сизлар билан бирга кетсам Саройга,
Шояд борсам отам билан энамга.

Бул элчилар Авазнинг сўзини эшишиб, шоду хуррам бўлди, қаҳ-қаҳ уриб кулди. Бизнинг ғамимиз: «Чамбилнинг пасти-баландини билмасак, қандай қилиб Чамбил йўлини топармиз», деб турувдик. Мана бизга Аваз йўлбошли бўлди. Бу бечора(га) мусофирилик алами ёмон ўтиб, ёшликда келиб, ота-энасини соғиниб, юртининг йўлини топиб кетолмай юрар экан. «Мана бизни ўзига ҳимоят қилди, биз билан бирга кетишга ваъда қилди. Бизнинг ишмиз осон бўлди. Авазнинг сабаби билан Чамбил қўлга кирап экан. То Чамбил бизга мусаххар¹ бўлмагунча Авазнинг айтадиган сўзидан чиқмагаймиз», деб бир-бирларига аҳди-паймон қилишди. Аваз буларнинг сўзини билар эди. Бу элчининг сўзи тамом бўлгунча қулоқ солиб турди. (Кейин) «Юринглар, элчилар» деб дарвозанинг икки қанотини равон очиб олдига тушиб, ўрда ичига қараб йўл бошлади. То у сиртқи ўрданинг ярмига етгунча Авазни отга бостириб кетгудай бўлди. Аваз тўхтаб туриб, ҳассаси билан отнинг бошига урди. Аччиғланиб буларга бир сўз деди:

Алам ўтган нидо қилар зор йиглаб,
Пиёда бўлинглар отни етаклаб,
Қандай одам отли кирап ўрдага,
Улуф таълимни билмаган беодоб.

Куйган банда доим кўзини ёшлар,
Тапга келмай ўрдак олмайди қушлар,
Қандай одам отли кирап ўрдага,
Улуф таълимни билмаган бебошлар.

Қарчиғайлар қанот қоқар уяда,
Аслинг душман, дўстдан бўлдим зиёда,

¹ Қўлга келтирмоқ.

Қандай одам отли кирав ўрдага,
Отдан тушиб, бўнглар мендай пиёда.

Аслинг душман, қилғин дўстнинг ишици,
Кириб енглар хоннинг нони, ошини,
Бойлаб берай алдов билан сизларға,
Кесиб онглар, Гўрўғлиниң бошини.

Подшо золим ишонмайди дўстига,
Беодоблар учрар ўлим қастига,
Отли кириб бўлмас улуғ устига,
Отдан тушиб, бўнглар мендай пиёда.

Авазнинг сўзини бари хушлади,
Таппа-таппа отларидан ташлади,
Дарвозага етканида Авазхон 20,5
Чапга солиб, жин кўчага бошлади.

Бораверди у элчилар ўйланиб,
Оти қолди ташқаридан бойланиб,
Эртаманман пешингача йўл юрди,
Ўрда бозорига етди айланиб.

Хар кўчани қайта-қайта кўрсатдай,
«Зўр шаҳар», деб Аваз қилди сифатди,

Хар кўчага беш мартадан айланиб,
Узоқ кунлар бориб жойига ботди.
«Хўп кўринглар бу шаҳарни элчи», деб
Кечасиман тиндирмасдан йўл тортди.

Етмай туриб узоқ тунлар тонг отди,
Найза бўйи офтоб чиқди ёзилиб,
Аҳмадбекни дарвозасига ётди.
Амал йўқдур ўлимнинг иложига,

Ажал қўймас бул банданинг важига,
Юринглар, деб бол Аваз йўл бошлади,
Олиб кирди саркардалар ичига.

Ўрдани ярмига етувди, элчилар «ана Гўрўғли, ана
Гўрўғли» деб, бир-бирларига кўрсатиб боради. Гўрўғли
сиртқи ўрдада бир минг саркардасини — бир минг кур-
сини куз ҳавоси кунчувоққа¹ қўйган эди. Қатор қилиб

¹ Офтобрўя жой.

мингта саркарда ўн қатор бўлиб ўтирган эди. Аҳмадбек — Гўрўғлининг тоғаси — ёлғиз ўзи минг қишига қараб ўтирган эди. Элчиларга орқаси ўгириғлиқ эди. Бунда элчилар Аҳмадбекни Гўрўғли деб бир-бирларига кўрсатаетган экан. Аваз буларнинг тилини билар эди. Аваз бу элчиларга қараб бир сўз деди:

Юравергин кенг саройлик элчилар,
Гўрўғлига одам бўлмас баравар,
Қўрап бўлсанг юрт эгаси ичкари,
Бу ўтирган ҳаммасидир амалдор.

Ичкарида кўрсанг юртнинг эгаси,
Бериги ўтирганни бошида жиғаси,
Қўрап бўлсанг хон Гўрўғли ичкари,
Ул жиғадор Гўрўғлининг тоғаси.

Майдонда панд берар отнинг майиби,
Гўрўғлихон мамлакатнинг сойиби,
Бериги ўтирган жиғадор Аҳмадбек,
Ҳам тоғаси, Гўрўғлининг нойиби.

Элчилар туриб — бу Гўрўғли эмас. Тоғасининг ўтириши бу осоиышда экай, Гўрўғлининг ўзи қандай экан. Шоҳдорнинг олдида сўзлаган кишилар билмай сўзлаган экан. Гўрўғлининг давлат сиёсати ҳам кам эмас экан. Тоғаси бундай экан, ўзи қандай экан? Ўтиб бориб, ичкариги ўрдага кирди. Гўрўғли ички ўрдада қирқ каравотни офтоб кунчувоққа қўйиб, тираф бир-бирига чириб қўйган эди. Ҳар каравотга заррин пархутларни ясатган эди. Ипак зилча гиламларни ташлатган эди. Гўрўғли қирқ йигитни ясаб, қирқ каравотга ётқизиб қўйган эди. Ҳар қайслари чалқанча ётиб, телпакларни бетига кийиб ётар эди. Ҳар қайси ўз найза-қиличларини ўз каравотларига суюб қўйган эди. Қирқ йигитни тепасига қирқта маҳрам, соқи, косагуллар йигитларга шароб суниб мунтазир турар эди. Ул йигитлар кўзини очиб соқига назар солмас эди, қўйидаги косани ҳам олмас эди. Гўрўғли бу ишларни элчиларга сиёсат бобидан кўрсатмак учун озмойишга қўйган эди. Элчилар келиб буларни кўрди. Бир-бирларига қараб сўзлашди:

— Ана давлат, ана салтанат. Мана ҳукумат, ҳайфи Шоҳдорга қилган хизмат. Қимики Гўрўғлига қилса хизмат, умри шундай ҳузури роҳатда бўлар экан,— деб бўни кўриб, орзу қилиб, бир-бирларига кўрсатар эди. Булар йигит эмас, Гўрўғлининг ўғиллари дир, булар

подшоваччалардир. Хизматчи бўлса, бундай умри азиз ўтмас эди,— деб бир-бирига сўзлаши. Бу сўзларни эшишиб, Авазнинг ачифи келди.— Юрингизлар, улуғ шаҳар Чамбили сулаймон даврини сурган Гўрўғли, бу ётганлар бек эмасдир, қулдир, ҳар қайсиси ҳар бир шаҳарнинг ўғли, Гўрўғлини кўрсанг одамнинг зўри, ёвга кирсанг жон олғичдай ҳар бири. Бу ётганлар жами боқма, ўлжаки қули, юравергин, юрт эгаси ичкари,— деб Аваз ичкарига бошлаб, ул ўрдадан ҳам ўтди. Гўрўғлининг дарвозасига етди, хон ўрдасига қадам қўйди.

Аваз дарвозадан кирди, элчилар киргани унамади. Аваз: юргил,— деди. Элчилар айтди:

— Эй Аваз, бизни тўйхоналик ишимиз йўқ, майхонага бошлагин, мардларнинг жойи майхонадир,— деди. Аваз бундай қараса, ўрда ичи зич. Ёш ўспириналарга тўлибди. Гўрўғли бу элчиларга кўрик учун то ўн бешдан йигирма ёш ўртасидаги болалардан йигиб, беш юз етмиш боланинг ҳаммасига қизил банотдан форма кийдирив, қўлларига пичноқ ҳам ханжар бериб, жаллод суратида тайёрлаб қўйган экан. Беш юз етмиш бола қўлларига пичноқ — ханжарни ушлаб ҳайбат билан турибди.

Ўрданинг ичи тор эди. Бир-бирларининг елкаларига елкаларини сифишириб, голиб бўлиб турар эди. Аваз буни кўриб, отасининг қилган ишига офариц ўқиди. Аваз элчиларни бир кечаю кундуз айлантириб кёлганча Гўрўғли саранжомини олиб бўлган экан. Аваз элчиларга қараб бир сўз деди:

Хон Гўрўғли ёзи подшо тождор,
Фазабига душман бўлмац баробар,
Гўрўғлихон кўтар бўлсанг ичкари —
Юравергин, кенг саройли элчилар.

Искандарда йўқ Гўрўғли давлати,
Кўтар бўлсанг азройилдай ҳайбати,
Танидингми бу турганини, элчилар,
Беш юз етмиш Гўрўғлининг жаллоди.

Ичкарига кириб кўргин хонингни..
Бу турганинг, билсанг, бари миргазаб,
Бошинг кесиб булар тўкар қонингни.

Бошинг кесиб тандан қилар бегона,

Бир гап айтсанг қутулмоққа баҳона,
Бу турганлар бари жаллод танисанг,
Тўйхонамас, каллакесар майхона.

Элчилар туриб айтди:

— Бизни бу ерга алдаб олиб келган экан, Авазнинг сеҳрига ишониб қўлга тушдик. Нима бўлса бошга солганини кўргаймиз, бошла,— деди.

Аваз йигитларига:

— Йўл беринг,— деб ишора қилди. У йигитларга четланиб йўл берди. Дарвозани чап қанотига қараб Аваз деволни қирғоқлаб, йўл бошлаб бораверди, айланиб дарвозанинг ўнг қанотига келди. Элчилар охирикириб бўлди, дарвозани тақ эткизиб бекитиб қўйди. Гўрўғли дарвозани тепасида миরзаю вазирлари билан ўтирган эди.

— «Жаллод»— деди Гўрўғли, (Ҳалиги болаларнинг ҳеч қайсиси ўрдани илгари кўрмаган эди, уларни кўча-кўчалардан тутиб келиб, подшолик либос кийгизиб, устивошларини олиб, ҳаммаларига қизил банотдан бир ранг форма кийдирган эди. Гўрўғли: «Менинг оғзимга қараб турасизлар, нима буюрсан шуни қиласизлар»— деб айтган эди. У болалар нима қиларини билмай икки кўзлари Гўрўғлининг оғзида эди, нима буюрар экан,— деб элчиларга ҳам қарамас эди,— беш юз етмиш йигит бирдан «лаббай» деб шовқин берди. Ўрданинг ичи гулдираб кетди.

Элчилар кўрдики, дарвоза тепасида девга ўхшаб Гўрўғли дубулға бошида, ясовуллар қошида, айни саксон ёшида, ҳар кўзлари пиёладай бўлиб ўтирибди. Гўрўғлининг ҳайбатидан, жаллодларнинг саловатидан элчилар қўрқиб, уч юз олтмиш тўрт томиридаги иссиқ жони пешонасига келиб тўхтади. Ҳушлари кетиб, қўлоқлари битиб қолди, Гўрўғли яна: «Жаллод, буларни сафга тургандай қатор қўй! Сафга кирганини ушланглар. Қийиқлик қилганини муштланглар,— деб буюрди. У беш юз етмиш янгидан бўлган жаллодлар «яҳши амалга келган эканмиз, бу ерга Гўрўғли нимага келтирди экан деб ҳайрон эдик... Бу одам урдиргани олиб келган экан деб»,— элчиларнинг қўлидан ушлаб, бошига муштлаб, қатор қилиб чизиб турди. Тағин нима ишга буюрар экан,— деб кўзлари яна Гўрўғлида эди. Гўрўғли кўрдики, элчилар бўйниларини солиб, ерга қараб хомуш бўлиб турибди. Гўрўғли ёнидаги қози Мансурга қараб айтди:

— Эй қози Мансур, бу элчиларнинг ҳаммасини Соқи олиб кирганида буларниг сўзини ёмон олиб, аччиғлашиб, буларниг қонини тўккайман деб қасамёд қилган эдим. Мана булар ҳузуримга келди. Бегуноҳ одамга озор бермоқ ҳақиқатдан эмас. Яна ҳақиқатда элчига ўлим ҳам йўқдир. Яна бўйин солиб турибди. Буларга бир жазо буюрай десам, булардан ҳеч гуноҳ топмадим, қилган қасам — шартимга нима қилғайман,— деди. Қози Мансур айтди:

— Одам ўлдириб қон тўкмак шарт эмас. Қасам шартингизга бир миқдор қатра қон чиқса кифоя қилади,— деди.

Бунда Гўрўғли жаллодларга:— Буларниг бурни, қулогидан бир қатрадан қон чиқариб қўйинглар,— деб буюрди. Ул болалар нодон эди, пичоқнинг ўнгу сўлини ҳам билмасди. Бурун ва қулоқни тағлаб кесиб ташлади. Гўрўғли: Иш ёмон бўлди деб, кийгизлар куйдириб босиб, қонини тўхтатиб чиқаринг,— деди. Уларнинг ярасини қотириш учун дарҳол кийгизларни кўйдириб босди. Авазга ишорат қилди. Аваз эшикни очиб чиқди. Киришда бошқа эшикдан кирган эди, чиқарда бошқа эшикдан отнинг олдидан чиқди.

Элчилар Авазга қараб айтди:

— Эй, дуз¹, ҳароми, ўн бир йил Чамбилда юриб ҳийлагар бўлган экансан. Бир кечаю кундуз юрибмиз, отнинг олдидаги туримиз,— деб Авазга таъна қилди. Аваз (уларни) отларга миндириб, ўзи ҳам отланди. Чамбилдинг ташқарисига олиб чиқди.— Эй Шоҳдорнинг элчиси, қаерга борсанг хуш боргин. Чамбилда нима кўрсанг шоҳингга айта бергин. Гўрўғлини кўрдинг, аҳволини билдинг. Гўрўғлида қирқ йигитдан бошқа лашкар йўқ. Шоҳдор подшоҳинг лашкарини жам қилсин, тезлик билан келсин, Гўрўғлини ўлдириб, гариб-мозор қилсин. Кимки Гўрўғлини ўлдирамаса ул подшо қирон эмас. Гўрўғли сойибтурушдир. Гўрўғлини ўлдириб, қиронлик номини олиб кетсин, Чамбилни ўз йўлига солиб кетсин. Менинг қилган ўхшилигимни эсингдан чиқармай, шоҳингга айта боргин,— деди. Аваз буларни йўлга солиб жўнатди. Йўлда (элчилар) бир-бирларига ҳасрат қилиб, Аваздан шикоят қилиб борар эди. Авазнинг сўзига кирмаганда бундай бўлмас эдик, деб, ўн беш кун йўл босди. Элчиларнинг йўлидан лашкар кўринди. Элчилар тўхтаб қолди, «Бу лашкар ким экан, билиб кел, деб бир

¹ Уғри.

кишини юборди. Бордики, Шоҳдор подшо экан. Етти ҳокимнинг лашкарини тамом олиб, элчилар ҳаёллаб қолди, деб элчининг орқасидан Чамбилга келаётган экан. (Борган элчи) Шоҳдор подшони тўхтатиб қўйиб, орқасига қайтиб келиб элчиларга:— Шоҳдоршоҳ экан, бизнинг орқамиздан ёрдам — лашкар қилиб келаётган экан, юринглар,— деб элчиларни бошлаб, Шоҳдор олдига олиб борди. Кўрдики элчиларнинг аҳволи ўзгача, Шоҳдор айтди:

— Эй полвонлар, нима бўлди сизларга, бурун-кулоқларингиз кесик? Элчилар айтди:— Подшо бўлмай, биринг қолмай баринг ўл. Айтмадингми, Гўрўғлини биттанг ҳам уддасидан чиқасан деб. Мана, биз бордик. Гўрўғлини кўрдик, Аҳмадбек деган тоғаси бор экан. Сенга ўхшаган шоҳдай минг киши Аҳмадбекнинг ҳузурида қўл қовуштириб хизматида турибди. Бундан ичкарига кирдик. Гўрўғли қирқ йигитининг кийган кийими, ўтирган каравотларини кўрдик, сендай шоҳ юртдан бир йилда олган хирожинг билан қилолмайсан. Мана, уни қўй, буни қўй, сенда одам ўлдирадиган жаллод нечтадан туради?

— Иккита, учта туради,— деди (Шоҳдоршоҳ). Элчилар айтди:— Биз кириб кўрдик, каллакесар жаллоддан беш юз етмиш киши хањжар, пичоқ қайраб, «кимнинг ажали етди» деб ҳайбат билан турибди. Буни кўриб, биз жонимиздан умид уздик. Гўрўғлининг ҳайбат-саловатини душман кўрса жонидан умид қилмас. Бурни, қулоғимизни шу жаллод кесиб олди, йўлга чиқариб бизни жўнатди. Чамбилни олмоқ у ёқда турсин, ўлмай келдик, бу ҳам сенинг давлатинг. Шоҳдор айтди:

— Бир киши энадан туғилса, бир чўлистанни шаҳар қилиб, обод қилиб, мулк эгаси бўлса, ул кишининг меҳнатини назарга олмай, лашкари галибимга ишониб, зўрлик билан тортиб оламан,— деб бунга қасд қилдим. «Шунча мулкка тўймай яна шул Гўрўғлининг юртини оламан дедингми?»— деб, худо бизни разаб қилса қўлимииздан нима келади. Мана шунча баҳодирлар чивинга қувват қилолмай бурни, қулоғидан ажраб келибди. Йироқ-яқин подшолар: «Гўрўғлининг устига элчилар юборган экан, Гўрўғли у полвонларни тутиб бурни, қулоғини кесиб «бор, додингни подшойингга айт!»— деб жўнатибди»,— деган сўзлар ўзга подшоларга эшитилса, бизларга айб қўяр. «Гўрўғлининг лашкари йўқ»,— деб унинг ҳам юртини олмоққа қасд қилиб юборгандир. Ажаб қилибди Гўрўғли,— деб бизга таъна айтар. Бу

сўзлар бизга жуда ёмон ор-номус бўлди. Бу мулк олло-таолонинг мулкидир, кимга берса ўзи берар. Икки адирнинг ўртасида Туркманистоции еб ётадими, деб қасд қилган феъл-авторимиз тангрига хуш келмади. Гўрўғлиниг мулкини талаб олган билан менинг лашкаримга тағаффул бўлмас. Ўлмай келибсизлар, бўпти. Бурни, қулоқларингизни кесиб жўнатгани ҳам, ўлдирмай тириқ юборгани ҳам менинг обрўйимдир. Шунчалик сизларни ўлдирмабди, Гўрўғли ҳам инсофли экан. Менинг давлатимда Туркман Чамбилни Гўрўғли еб ётсин,— деб инсофга келиб, орқасига қайтиб кетди. Ҳам йиғлаб, ҳам кулиб бир-бирларини «ўл пучуқ, ўл чиноқ» деб масхаралаб кулишиб борар эди. Булар йўлларида кетаверсин, эндиги сўзни Гўрўғлидан эшигинг:

— Эй лашкарларим, эй таржимондор мирзаларим, мулки шерик кенгашларим, катта-кичик умароларим, Шоҳдорнинг элчиси келганда бошимдан ақлим қочган экан. Мендан ул элчиларнинг бошини кесиб ўлдирмак лозим эди. Шоҳдор уларни менинг қўлимга топшириб кўйгани йўқ эди, мендан кўрмас эди. Буларни ўлдирмай ё яхши инъомлар бериб қайтармоқ хўб эди. Буларни ё ўлдирмадим, ё яхши сўз билан қайтармадим. Буларнинг бурни-қулоғини кесиб юбордим. Мен Шоҳдордай улуг подшога баробар бўлмоқчи. Элчилар шу кайфиятда Шоҳдорнинг ҳузурига кириб борса, мендан иво қилмабди деб тамом лашкарни олиб устимга келса, менда асбоб, ёв-яроғ, лашкар бўлмаса, юртимни қатлам қилиб, мени ўлдирур, мулкимнинг турпогини осмонга шопириб кетса ҳам эҳтимол. Қариган чоримда юртимнинг зоминатига сабаб бўлдим. Энди ўйларманки, шул элчилар Шоҳдорнинг олдига тириқ бормасин, Шоҳдор буларни ҳам кўрмасин, Энди эй Аҳмадбек тоға, сизни сардори лашкар қилиб элчини орқасидан юборгайман. Қаерда етсангиз элчини ўлдириб қайting. Бундан бошқа амал йўқ. Шундай қилмасак Шоҳдор лашкарининг қўзғалишига сабаб бўлади. Олти минг акобир йигитлардан аслача, от-анжомларни, кияр салоҳ, яроқ-жабдуқларни тайёрла дегин. Бугундан қолдирмай, элчи орқасидан қувиб етинг, деб Аҳмадбекнинг қўлига байроқ, мукам-бил¹ ёзув ростлаб берди. Аҳмад Сардор эгар қошига байроқни тикиб, олти минг хил жам жой йигитларни ўзига ҳамроҳ қилиб, элчининг орқасидан излаб жўнади. Орқасидан Ҳасанхонни олти минг йигитга бош қилиб

¹ Пишиқ қилмоқ.

буни жўнатди. Унинг орқасидан Авазхонни олти минг йигитга сардор қилиб буни ҳам жўнатди. Уни орқасидан Чакқонбекни олти минг йигит билан буни ҳам жўнатди. Тўртовини йигирма тўрт минг йигитга сардор қилиб жўнатди. Булар орқасидан пеш-пеш из қувиб кетаверди. Буларни жўнатганида Гўрўғли ҳисоб қилиб кўрди. Орадан ўн кун ўтди. Булардан дарак бўлмади. Яна Гўрўғлига фуссаи ғам ортди. Чамбилининг ўтиз бир дарвозасини кўмдирди. Туркман далада бир дарвоза очиқ қолди. Хотин, келин, оқ соч, каниз ойим, чўрилари билан Гўрўғлининг хотинлари ўтирган ўрдасини Гулбоғдер эди. Қирқ олти хотинни жам қилди. Гўрўғли кириб хотинларнинг ўртасида ўтирди.

— Эй ойимлар, оқсоқ кампир, доялар! Уйнамак, кулмакдан, яхши еб, яхши киймакдан, давлат даврини сурмакдан орамизда ҳеч армон қолмади. Қариб-қартайган чоғимда орамизга фарзанд ато қилмади. Ё ўрнимга қўяр бир меросхўр бўлмади. Қартайиб, кучим кетиб, давр вақтим ўтганда менга Сарой деган шаҳардан душман пайдо бўлди. Юртимни ўзига тобе қилмсқ учун бир юз олтмиш паҳлавонини юборган экан. Шоҳдор етти ҳокимни жамлаб, ҳар подшолардан бештадан-ўнтадан паҳлавонларни хиллаб, етти ҳоким Шоҳдор билан саккиз подшо менга душман бўлди.

Элчилар шундан келди. Бу элчиларнинг бурун, қулоғини кесиб тирик жўнатдим. Бу қилган ишм ўзимга ҳам маъқул бўлмади. Элчилар шу аҳволда Шоҳдорнинг олдига борса, душман қўзғалиб тепамга келмасин, деб ўзимга хавф тушди. Элчининг тирик бормоини ўзимга маъқул кўрмадим. Жўнатиб юбориб пушаймон қилдим. Ўёлонларим билан Аҳмад тогамга: «Қаерда етсангиз элчини ўлдириб қайтинг!» деб йигирма тўрт минг лашкар қилиб бердим. Ўн кун бўлди, булардан ҳеч дарак йўқ. Ўйларманки, элчини орқасидан Шоҳдор(нинг) ёрдамчи лашкари келган бўлса, менинг лашкаrimга йўлда дучор бўлса, Шоҳдор ғолиби лашкардир, менинг лашкарларимга барҳам бергандир. Уларни ўлдириб, йўлдан нари кетмас. Душман то мени тутиб олмаса мақсадига етмас. Менинг қастимда юртимга босиб келар. Юртими менинг касофатимга поймол қилар. Ўйларманки, қариган чоғимда юртимга касофатим тегиб ўлмайин. Мен энди ўйлайман:— Шу лашкар орқасидан борсам, лашкарим саломат бўлса, кўрсам. Агар лашкаримга барҳам берган бўлса, мени тутиб олса муродига етар. Шояд шундан нари кетар, шояд юртимга келмай кетса, юртим

саломат қолса. Қаріганча юртимнинг даврини суріб келдим. Юртимга ўзимни садақа қилиб ўлсам, (армоним йўқ), юртим эсон қолсин. Сарой йўлиниң ораси еттойлик эмиш. Агар лашкарим саломат турган бўлса, топсам, лашкарни бошлаб Саройгача элчини қувиб бора-май. Энди, ойимлар, мендан даъво қилманглар, сизлар ҳам рози бўлинглар, мен ҳам сизлардан розиман. Саройни етти ойлик бориш йўли, етти ойлик келиш йўли, ўн ой орада тўхталсак, ўлмасак, икки йилда келиб юз кўришгаймиз. Ўлиб кетсак, дийдор кўриша олмасмиз. Сизлар ҳам доим бизнинг саломатлигимизни тилаб дуо-да бўлинглар, сизлар мўнглуқ¹ — муштипарсизлар деб, бола-чақалари билан розилашди. Соқижонга Мажнун-кўкни, сариқ самани әгарлаб келтиргин,— деди.

Соқи икки отни тайёрлади. Гўрўғлиниң хотинлари ичиди бирининг ўғли бор эди. Бу бола ички, ташқи (ҳовлида) хизмат қилиб турар эди. Унинг оти Бедиёр эди. Бедиёрга тўққиз йигитни қўшди. Дарвозани ичидан темир тамба солдириб, Гўрўғли билан Соқи отланиб ташқарига чиқиб турди, тўққиз йигит билан Бедиёр дарвозани маҳкамлади. Гўрўғли Бедиёрга қараб бир сўз деди:

Хуш қол, болам, Саройга қилдим сафар,
Ёмонликка қилма, ҳаргиз ихтиёр,
Дарвозага ғофил қолмай маҳкам бўл,
Эналаринг ишондим, сенга Бедиёр.

Қулоқ солгин мёнинг деган сўзимга,
Худо паноҳ берсин сендай қўзимга,
Отам йўқ деб оёқ босма юзимга,
Душман келса, очиб берсанг қўргонни,
Розимасман, сенга берган тузимга.

Отам йўқ деб ҳурматимдан кечмагин,
Душманларим зар кўрсатса учмагин,
Мендан бўлак Хўжахизир чақирса —
Ўзинг ўлмай, дарвозани очмагин.

Бир худони қулимақ деб қувондим,
Жасадимга жон берганга суюндим,
Дарвозамга эҳтиёт бўл, жон ўғлим,
Аввал худо, қўзим, сенга топширдим.

¹ Қарам.

Мен қиласман болам сенга насиҳат,
Үлмай келсам, кўрсам соғу саломат,
Жойим сенга, сен худога амонат,
Бегам бўлмай, бўлгин доим эҳтиёт,—

деб Гўрўғли жўнаб кетди. Соқи иккови от тезлаб шаҳарнинг сиртқи дарвозасига борди. Уттиз бир дарвоза кўмилган, очиқ дарвоздадан чиқди. Бедиёрни акаси Асқарбекка уч йигитни қўшди. Уларга ҳам милтиқ, тўптарни тайёрлаб берди. Дарвозани ичидан бекитдирди, Бедиёрга қараб бир сўз деди:

Ўйла, болам, мени жони-дилимсан,
Булбул бўлсанг, қўнар тоза гулимсан,
Рост ниятда ҳалол хизмат айласанг,
Улиб кетсан бир меросхўр улимсан.

Икки қўзим сафар йўлга шоширдим,
Қўлладиган пирларимга бош урдим.
Мен келгунча эҳтиёт бўл, жон болам,
Сени ҳаққа, жойим сенга топширдим.

Ишонч йўқ айлаб тандаги жонга,
Дунё деган кўнгил берар шайтонга,
Белинг бойлаб маҳкам бўлгин, жон болам,
Эр боласи, йўл бермагин душманга.

Ўйлаб тўрсам жоним амонат танда,
Банда ўтар ҳасрат доғи жаҳонда,
Душманимга очиб бериб эшикни,
Маҳшаргоҳда бўлма, қўзим, шарманда.

Саройни йўлига айладим ғазот,
Кимки ўлса ўшал қулга қиёмат,
Жоним сенга, сен худога амонат,
Айтганим шул, бўл ўзингга эҳтиёт.

Хон Гўрўғли-ҳаққа солди ишини,
Саҳрода йўллади отнинг бошини,
Қистаб чопса бедов отларни чўлда,
Чангитарди биёбоннинг дашини..

Отни тезлар, узангига дап бериб,
Отлар борар сувлиғини кемириб,
Селпиб-селпиб соврига қамчи уриб,

Кора ерни бағирлайди жонивор,
Тулқидай бўп қулоғини чимириб.

Тортиб чопса шердай оғазин очади,
Сувлиқ чайнаб нордай кўпик сочади,
Шунқор қувган қуёндай бўп ирғишилаб,
Каптар қувган қарчиғайдай учади.

Суриб борар от сувлиғини тишлиб,
Чўзилади қора ерни қулочлаб,
Кўя берса биёбонга бу отни, 20,5
Кийиксифат борар чопиб ирғишилаб.

Узангини босиб қамчи тортади,
Тирсагидан қора қумга ботади,
Ором олмай, йўлга кетса бу жонвор,
Овчи қувган бўридай бўп йўртади.

Тоғда битган тўқайларда тўранғи,
Эгнида қолгани совут фарангиги,
Тинмай чўлга от қўяди Гўрўғли
Соқи билан, кеча-кундуз қоронғи.

Тизгин қоқиб бедов отни терлатди,
Сув қўрмаган сувсиз чўлни тўзғитди,
Ўн кечаю ўн кундуз чопди оромсиз,
Хон Гўрўғли тинмай «чу» деб йўл тортди.

Чангни туман қилди чўлни дашига,
Булутдай бўлди түпроқлар бошига,
Ўн кечаю ўн кундуз йўл босиб,
Саҳар етди Аҳмадбекни қошига.

Аҳмадбекни қошига етиб хон отдан тӯшди. Аҳмадбекнинг чодирига кириб, ўтириб, ором олди, тунади, тонг отди. Бунда жами лашкарлар хонни келганидан хабар топди. Гўрўғлихон тахтига чиқиб ўтира берди. Ҳар қай силари ўз улуғларини олдиларига солиб пеш-пеш, тўп-тўп бўлиб келиб, навбат-навбат билан хонни кўриб, хон ҳақига дуо қилиб, кўрикдан ўтиб, қайтиб, ўз қўшхоналарига бориб, қарор топди. Бунда хон бориб тушганда тоғаси Аҳмадбекнинг аччиғи келиб қолди. Аҳмадбек ҳукмрончиликка ишқибозроқ эди. Нега деганда бу лашкарнинг ихтиёри Аҳмадбекда эди. Элчига етолмай, чўлга тушиб ёйилиб ётган эди. Хоннинг лашкарлари келиб-

кетгандан кейин Аҳмадбек Гўрўғлиниң қошига келиб қўл қовуштириб турди. У Гўрўғлини ёшлигидә боққан эди, (Гўрўғли) ҳам отам, ҳам тоғам дер эди. Қандай қилса қиласа эди, унинг сўзини қайтармас эди. Кўрдики, тоғаси қўл қовуштириб турибди, Гўрўғлига ҳеч бундай тақаллум қилмас эди, ул тоғасининг туриши бад кўринди.

— Ҳа тоға,— деди.

Аҳмадбек айтди:

— Э султон, нақлда: «Ёшни ишга буёрма, орқасидан ўзинг югурма» деган бир сўз бор. Сизга мен бир ёш бола бўлдимми? Бу ишга мени бош қилиб юбориб, бир ишни уdda қилолмас деб, шу мақсадни ўйлаб келдингиз,— деди.

Гўрўғли айтди:

— Сизларни бу ишга жўнатганимда ўзимни келишга ихтиёrim йўқ эди. Үн кун қарадим, сизлардан дарак бўлмади. Ўйладимки, булар кечикиб қолди. Шоҳдор элчиларининг орқасидан ёрдам лашкар келса, бир-бира гўлбарў бўлиб қолса, бу Шоҳдор улуғ подшодир, яна голиби лашкардир, сизларга голиблик қилиб, бир каср берганми, деб кўнглим ишонолмади. Урушнинг көрини билмак қийиндир. Сизни, битта-иккита ёв кўрмаган ҳамдоз¹ болаларимни ақли тўхтамаган ёш фурмуш² деб кўнглим ишонмасдан орқаларингдан келдим.

Аҳмадбек айтди:

— Сизни Чамбилда қолди, деб хотиримиз жам эди. Мана сиз ҳам келиб қолибсиз. Чамбилдан бир ёмон бош кўтариб чиқиб, юртга бир шўриш солса, орага ким тушар, деди.

Хон айтди:

— Эй тоға, Чамбилнинг ўттиз бир дарвозасини тупроқлаб кўмдирдим. Шундай бўлса ҳам ҳар кўмилган дарвозада йигирма-ўттиздан тунқатор бордир. Хотин, бола-чақа, заифларни Гулбоққа жамладим, келин-қизлар билан қирқ олти хотин Оға Юнус билан Гулбоғ ичида-дир. Гулбоғ дарвозасининг ичкарисида тўп, жазойил милтиқларни жамладим, дарвозани бекитдирдим. Тўққизтирандозни Бедиёрга қўшиб, хотинлар ўтирган ҳовлини унга топширдим. Сиртқи дарвозанинг бири очиқ эди. Ўл очиқ дала дарвозасини ичидан бекитдим. Ўзим таш-

¹ Пишмаган.

² Иш кўрмаган, хом.

қарига чиқиб туриб, ўн уч мерган тирандозларни Бедиёрнинг акаси Аскарбекка тайинладим,— деди.

Аҳмадбек айтди:

— Нақлда бир сўз бор: «Тол маданг бўлмас, бегона дадаңг бўлмас, ўзингдан бўлмаса ўғил бўлмас, сотиб олмасанг қул бўлмас. Қизилбошнинг боласини олиб келиб «ўғлим» деб боқиб катта қилдинг. Қилични зарбидан қўрққанидан «ота» деб кун кечириб юргандир, қачон душман қўлидан иш келар, душман душманлиги ни қиласар. «Илоннинг думини кесссанг вақтини топса тили билан заҳар солар!» Қизилбошнинг боласи сенга ҳеч дил бермас. Уларнинг бўйини буқадай тўлдириб, хўб вақтини билиб, хотинларга уюр қўйиб келибсиз,— деди.

Бу сўз Гўрўғлининг жонидан ўтиб кетди. Азбаройи ёшликтан тарбия қилиб боқсан ҳам тоғаси бўлгани учун бир нарса деёлмай нафасини ичига олди.

Гўрўғли ёнига бурилиб олиб, бир кишига бир сўз сўзлаб турди. Аҳмадбек яна Гўрўғлининг рўпарасига ўтди.

— Эй Султон, менга рухсат беринг, мен кетсам,— деди.

Гўрўғли қаҳрланиб, тоғасига қараб сўзлади:

— Эй тоға, билармисиз, гўр ичидан чиқиб эшигинизга келдим, етти ёшга бордим. Дунё ҳирслек қилиб, мен ёш бола билан ёш Оқбилак хотинингизни ташлаб Чин шаҳрига савдога кетдингиз. Миср подшоси Райхон араб хотинингизга ошиқ экан. Ўзингиз берган бўз байтални етаклаб кўчада туриб эдим, от ўйнатиб Райхон араб ўтаверди. Мен:— Эй аспи жаллоб, отингни менга сотгиш, тоғамнинг хазинасида олтини кўпdir, қанча десанг олиб чиқиб берай,— дедим. У ноинсоф:

— Мен отимни пулга сотмайман, мен сенга отимни бериб, пиёда юрмайман. Шу байталингга отимни бир чоптириб берайин, бундан бола бўлса от бўлар, сенга ҳам бўлар, менга ҳам бўлар,— деди. Унинг сўзига мен қувондим. У Райхон айтди:

— Байталингга шарт билан қўйиб бераман,— деди.

— Нима шарт?— деб сўрадим.

Райхон айтди:— Янгангнинг қўлидан бир коса сув ичсам, ўз қўлидан узатса, шунда отимнинг кучига рози бўламан,— деди.

— Ҳа, майли,— дедим.

Отидан тушиб байталимга отини қўйди.

— Агар мен биянгга отимни қўйсам, сенинг янганг'

менга сув бермаса бўйнимдаги бутимга сажда қиласанми?— деди (Райҳон). Райҳон араб бўйнида тияладан бут осган экан. Бунга мен унадим. Байталимга отини чоптириб, отни бойлаб қўйди.

— Қани, янгангни чақир, янганг кераганинг¹ орқасидан косани узатсин, от устида туриб ичай-да кетай,— деди. Ул Райҳон отга минди. Янгамга кириб айтдим. Янгам у душманнинг бунга ишқи борлигини билар экан. Бу душман ҳар вақти бу тарафга ўтар бўлса, Туркманистонни оралаб келиб, чилим чекмоқчи бўлриб келиб, орқаворам «яхши кўраман» деб юрар экан. Янгамни ихтиёрига қўймадим. Косали сув эмас буни (мақсади) қўлимдан ушлаб олиб кетиб қолади, мендан айрилиб қоласан, деб янгам кўп тайнинлади. Мен қасам ичдим, «Ба ҳурмати Шоҳимардон, сени олиб кетса, байталим туғиб от бўлса, орқангдан бораман. Мен боргунча қариб қолсанг, Райҳоннинг ёш қизини олиб келарман» деб шарт қилдим. Янгам ноилож сувни қўлига олиб, душманга узатди. Райҳон косани олмай, янгамнинг билагидан ушлади, қўлидан тутганича, олиб қочиб кетди. Йиғлаб-йиғлаб қолдим. Байталим туғди, у тойни тарбия қилдим. Тўрт яшар бўлгандаги от бўлди. Тоғам келгунча янгамни олиб келиб қўяй,— деб отимга абзалларни тайёрлаб, эртага жўнайман дедим. Тойимни ўғрига олдирдим, уч йил саргардон бўлиб йиғлаб юрдим. Йил-қичиларга эргашиб, Ҳовдак кўлни бир томоша қиласай деб бордим. Кўлни атрофида бир қаландар менинг отимни ўтлатиб юрибди. Буни кўринб, кўп йиғлаб, ялиндим, олдимга келмади. Орқасидан сўкиб эргашдим, кулиб олдимга келди. Менинг қўлимга бир тугун берди ва деди:

— Эй Гўрўғли, етимларнинг ҳолидан хабар олгувчириман, ёлғиз йўллардагини қўллагувчириман, чўлистонда йўл адашганга йўл бошловчириман,— деди чол. Уша ерда бир чодир пайдо бўлди. У чодирни яна бир киши келиб тика берди. Бир баланд қомат киши экан. У чодирни ичидаги кўп кишилар пайдо бўлди. Менинг қаландар етаклаб, чодирга олиб кирди. Ун тўрт ёшга борган эдим, кириб ўтиридим. Улар:

— Бизларни танидингми?— деди.

Мен:— Танимадим,— дедим. Аввалги қаландар айтди:— Эй Гўрўғли, мен Хизирман, бу даргоҳни мутасад-

¹ Утов ёғоч.

диси Илёсдир. Бу ўтирган қирқ киши чилтоңдир, булардан тилагингни тираб ол,— деди.

Мен:— Нима тиарман?— дедим. Оламда арзигулик нарса йўқми сенда. Дуо билан эл кўкарап, ёғин билан ер кўкарап, булар дуогўй. Шулардан нима тиласанг беради. Гўрўғли, аввалдан ўйлаб юрган тилаг(ингни) тила,— деди.

— Шерлик тиладим, куч-қувват тиладим. Душманни кўрсам қочирай, қочмайин. Балки дунёда бандага муҳтож бўлмайин,— дедим. Отамни душманлар тирик кўзини ўйиб ўлдирган, энамни ҳам тирик гўрга кўмган, буларнинг дуойини олиб, ўлжалар олай, олдирмайин, дедим. Фирот билан ўзимни умримни узун қилсин дедим. Фиротнинг умрини худо битиб қўйисин,— деди. Менинг ёшимни бир юз йигирма бешга кирасан, хотинни чиройлигини оласан,— деди. Яна тилагинг борми?— деди.

— Қўлимда ҳукумат бўлса, чиройли хотин бўлса, тағин— яхши от бўлса, мамдакат мулки Туркистон, Туркманистон, Урганчи Рекқум¹ то Эронгача барчаси менинг ҳукуматимда бўлсин, Фирот билан менинг донғим оламда машҳур бўлсин,— дедим. Тағин борми?— деди.

— Бундан бошқа камчилигим қолмади,— дедим:

Тур ўрнингдан,— деб турғизди. Ҳизир билан Илёс қўлтигимдан кўтариб-кўтариб қўйди, устимга яхши кийимларни кийгизди. Бор сенинг тилагинг тилаган жойда подшо бўласан, беглар begi бўлгин,— деди. Дуо қилди. Уларга мен қуллуқ қилдим. Унда бир қари киши бор экан, деди:

— Эй нодон, сен нега бола тиlamадинг,— деди. Яна бу давлатларни фарзанд бўлмаса, лаззатини ким сурар деб арз қилдим. Энди отган ўқ қайтмайди, қайга борсанг олгин, олдирмагин,— деди. Фарзандинг бўлмаса ҳам даври қиёматгача номинг ўчмасин деди. Отимни абзаллари, кийган кийим-яроғлари шу азизлардан теккандир,— деди. У ердан жавоб олдим.— Ол отингни, Мисрга бор,— деди. Ул ердан отланиб дарёдан ўтдим. Подшо лиbosларини туғиб, ўзимни кўҳна кийимларимни кийиб, ўттиз тангани дасмоя қилиб аттор бўлдим.

Хотинингни топмоқ қийин бўлди. Иккам қирқ кун Мисрда юрдим. Кет-кет қилиб Райҳон аркининг тагидан ўтдим. Хотининг овозимни таниб бир Гулшан номли

¹ Хоразм чўли.

канизини менинг олдимга юборди, насияга мол бер-
син!— деб. Ўзи келса насия қиласан, бўлмаса бермай-
ман, дедим.

Оқбилак ўзи тушиб келди, ўзбек тилида, канизак-
лардан яширинча, элу юрт, моли жонлар омонми?— деб
сўрашди.

— Сени олиб кетгани келдим, ҳалиям тоғам савдо-
дан келгани йўқ,— дедим.

— Олиб кетай деб келдим?— деди.

— Агар сен уйда бўлмасанг тоғамга уятли бўламан.
Янганг қани,— деса, нима жавоб бераман,— дедим. У
вақтда айтди:— Эй нури дийдам, келганимга етти йил
бўлди, икки болалик бўлдим, бу болани ташлаб кетмо-
ғим қийин. Дарёнинг бўйига эрта қиём вақтида чиқиб
тур. Ўгай қизим бор, оти Қоракўз. Кир ювмоқчи бўлиб
бораман, сув тилаб келгин, мен Қоракўзни сув бергин
деб буюраман, сени танимас киши бўлиб тураман. От-
сини менга қилган феълини кўргансан, қизи сув узатса,
қўлидан ушлаб отнинг устига торт. Миндириб олиб
кетсанг тогангга мендан зиёда манзур бўлар эди,—
деди. (Мен) бир қаландархонага кириб ётдим, (кейин)
дарё ёқалаб келдим. Иккови кир ювмай, сув кесиб,
ўйнаб юрган экан. Сув сўрадим.

Оқбилак:

— Қизим, мусофири экан, у жом косани олиб, сув
бергин,— деди. У эса мен подшоваччаман, йўловчига
хизматкор эмасман,— деб жавоб қилди. Оқбилак аччиқ-
ланиб:— Йўловчига сувни ўзим берай-да, кечқурун уйга
борай, отангга «қизинг ўзбекка қучоқ берди» деб ёлғон
маломат қилиб, дорга остириб ўлдиргизай,— деди. У
бечора қўрқанидан косада менга сув берди, косани
уриб юбордим, билагидан ушлаб отга қараб тортдим.
Отнинг белига оёқни тираб, мингани унамади. Оқбилак
келиб орқасидан сурис мінгаштириб қўйди. Отимнинг
якка тизгинини олиб, икковимизни битта қилиб бойлаб
қўйди, олиб қочиб келавердим. Олиб уйга келдим, ўша
куни сиздан хабар келди. Келдингиз, уйга кириб кўр-
дингиз, «янганг қани, бу ким?» деб сўрадингиз. Бўлган
ишнинг аввал-охирини сўзлаб ўтдим. Ахир ўзингизга
шуни раво кўриб олдингиз. Мана шундай беш-үн кун
ўткандан сўнг бир нарсадан қийимситиб¹ мени қувиб
чиқариб юбордингиз. Етим ўғилларни ўзимга ошно-
чиқалиб, чилтонлар келиб уст-бошимни кийгиздилар. Ме-
қилиб,

¹ Бошқа ишни баҳона қилиб.

ни «юр» деб чўлиstonга бошлаб борди. Шунда ҳали юртимизнинг соҳиби йўқ эди. Мана шу ерга шаҳар қилдим. Ариқ ўрнини кўрсатди, қала бўладиган ерларни, ўрда бўладиган ерларни кўрсатди. Ўттиз икки кўчага режа тортиб, шу дарвоза бўладиган ерларга пай тикиб «ёлғиз қандай қиласман», дедим. Улар:—Ҳаракат қила-вер, ёлғиз эмассан,— деб кетди. Етим ўғилларни, ғариб бечөраларни ўзимга ошно тутиб, ариқ чопмоққа тушдим. Бизнинг вилоятларни соҳиби йўқ эди, юрт ёрдам берди, ҳалқи Туркман, Чамбулу чет эллардан келиб, қалани бино қилди. Шаҳарнинг тайини йўқ, аввал қўрғонни бино қилдик, чет эллардан бечора камбағалларни кўчириб олиб келдик, бу шаҳарни одамга тўлдирдик, ажо-йиб бир улуг шаҳар бўлди. Бу тилсим суратда бўлди. Ҳар бир кўчалари бир-бирига пайваста эди. Юрт камбағал эди, очилган ҳалқни олиб келиб жамладик. Шунинг учун шаҳарнинг номи Чамбил қўйилди. Бунда бизнинг бошчимиз қирқ йилдан берли йўқ. Халойиқлар бизнинг юртимизни оёқ ости қилди, бизни қўрир киши бўлмади. Гоҳ Гуржистон, гоҳ Карвон ё Кашал тараф лашкарлари келиб, талаб турарди. Юрт ихтиёри билан мени бек кўтаришди. Сизга киши юбордим; ҳам отам, ҳам торам деб маслаҳат қилдим, ўзингиз розилик бердингиз. Уша кундан сўроқ ихтиёрини сизга бердим, биласиз. Урганч бордим, Дилхирож бордим, Исфиҳон бордим, Каракистон бордим, Холдор ўғли Ҳасанни олиб келдим. Ёшим етмишга борганда Гуржистон бордим. Хунхор шоҳ қўлидан Ғулдуруқ ўғли Авазни олиб келдим. Биласиз, ҳар мамлакатда кимни шерик қилиб бордим. Доим сиз ҳукумат давлатида, мен юртимизнинг саломатлик меҳнатида шу жойгача келдим.. Энди ўйлайсизки, Шоҳдор улуг ёв, Гўрўғли бу оз киши билан бориб, қўлидан нима келар дерсиз. Биласиз-ку, доимо ёлғиз сафар қилдим. Шоҳдор жангида агар қазом етса дунёда ҳеч банда мени ажратиб ололмас. Мен ажалдан қўрқмайман. Саройни қасдига чиқдим, энди қайтмайман. Хоҳланг боринг, хоҳланг кетинг,— деди. Аҳмадбек отига миниб, Гўрўғли Чамбилда ясад берган байроғини эгарнинг қошига маҳкам боғлаб олди, лашкар орасига қараб юрди.

— Эй ҳалойиқлар, Гўрўғлихон келди,— деди. Сарой йўли узоқ экан, ўлмаган қул икки йилда келар экан. Бу лашкарларнинг қари ота-энаси бордир, кўпини майда бола-чақаси бордир. Икки йилгача қолганлар қийналса, магар ўлса, мен буларни зоминига қолмайин. Ҳар ким

ўз диёнати учун жанг талаб бўлса, мен томонга ўта берсин. Кимни боргиси келмаса жавоб бердим кетаверсин,— деб Гўрўғли жавоб берди,— деди.

— Жанг талабинг Гўрўғли тарафга ўтавер, боргинг келмаганингга жавоб бўлди, юр мен билан,— деб, байроқни кўтариб, лашкарни оралаб ўйнаб кетди. Лашкарга ғулғула тушди. Аҳмадбек билан Гўрўғлининг тортишганини билди. «Гўрўғли ўлмай Саройдан келса қайси кўз билан қарайман, беш кунлик дунё ўтар, хонга юзим шувит бўлар» деган йигитлар Гўрўғли тарафга қараб ўтаверди. Мингта Гўрўғлининг жони мэнга жон бўлармиди, жоним ўзимга керак,— деган йигитлар Аҳмадбек билан чиқиб келаверди. Зар торози йигирма тўрт минг кишидан ўн икки минг киши Аҳмадбек билан ажралиб чиқиб кетди.

Гўрўғли бу ҳолни кўриб «Фиротни келтир!»— деди. Фиротни олиб келди. Хон отнинг устига ўзини олди. Кетган кишига қарамай, Саройга қараб жўнади. Тўрт ўғли ўн икки минг йигит билан элчиларни орқасидан излаб кетди. Энди Гўрўғлини Сарой йўлига қўяверинг. Энди гапни Аҳмад Сардордан эшиting.

Кечаю кундуз тинмай от чопишиб, тўққиз кечаю кундузда Асқар тоққа етиб келди. Вақти пешин бўлди. Аҳмад Сардор кўрди Чамбилининг қаласи кўринди, байроғини тиклаб, йигитларни тоғ устига қатор қилиб йигитларга қараб бир сўз деди:

Қулоқ сонглар мендир бек Аҳмад сардор,
Ҳарна қилсан ўзимдадир ихтиёр
Юртни ташлаб, кетди Сарой, Гўрўғли,
Белингизни маҳкам бойланг, йигитлар.

Сарой қараб кетди Чамбил тўраси,
От чопарга текис чўлнинг даласи,
Белингизни маҳкам бойланг, йигитлар,
Ана кўринган Чамбил элнинг қаласи,

Нодон подшо ишонмайди дўстига,
Бориб учраг Шоҳдор тифин қасдига,
Белингизни маҳкам бойланг, йигитлар,
От қўйинглар, таланг Чамбил устига.

Йигитларга Аҳмад йўлни кўрсатди,
Қўлидаги байроғини тебратди,

Бул Аҳмаднинг сўзи билан йигитлар,
Кўзларини ҳар тарафга ёйнатди¹.

От қўйинг, қалани вайрон қиласмиз,
Хазинани таҳсум қилиб талармиз.
Давлатимда от ўйнатинг йигитлар,
Ойимларни битта-битта олармиз,

Аҳмад қилди белни бойлаб шиддатди(ни)
Йигитларга осон йўлни кўрсатди.
Қуён қувган овчидай бўп қийқириб,
Дарвозага қараб текис йўл торти.

Орқасидан борар бек Аҳмад сардор,
Дарвозага олди тиралди лашкар,
Деволда ўлтирган кечки ёравул²,
Ёв келди деб, Аскарга берди-хабар.

Ҳимматга бел бойлади турди бек Аскар,
Тирандози олдидаги йигитлар,
Милтигини мукаммал қип ростлатиб,
Бирдан отди ўн тўрт ўқни баробар.

Аҳмад шовқин солиб найза тувлатди,
Йигитларни қайтманглар деб зўрлатди,
Ўқни устун-устун отиб бек Аскар,
Қамиш ўрган ўроқчидай бовлатди.

Ўқлар ўтар ёнларидан зирқираб,
Аҳмад келар қўлга найзасин тираб,
Ўлганлари алиф бўлиб алмашди,
Адир-адирларга кетди тирқираб.

Аскар отиб бу лашкарни қийратди,
Қолганлари адир-адирга кетди.
Бир-бирини сувраз тортиб чақириб,
Қоронги тун равшан бўлиб тонг отди.

Эртан пешин вақти бўлди кундузи,
Аҳмад Сардор лашкарини жамлатди,
Ичка сиғмас ноинсофнинг ҳасрати,
Бирин-бирин келаверди йигити.

¹ Сергакланмоқ

² Доймий коровуя.

³ Қаттиқ чиқарган товуш.

Улганлари дарвозада қолипти,
Улмагандан олти минги келипти.
Афсус қилди Аҳмад айтган сўзига,
Кора қони тепчиб келди юзига.
Олти мингта йигитидан айрилиб,
Кундуз куни қорони бўп кўзига.

Аҳмад тўхтаб афсус қилиб қараб қолди. Муншиларни олдига чақириб олди.

— Бу ўрдага кириб ўз ишимни қилмасам менда ором йўқдир. Мамлакат мулки ҳокимларга хабарнома ёзинглар,— деб нома ёздириди. Номанинг мазмунни шундай: «Эшитинг, эй фуқаролар, юрт амалдор, саркардалар! Ман Аҳмадбекдирман. Шу хабарни сизларга юбордим. Гўрўғлихон ўғлонлари билан, йигирма тўрт минг лашкари билан етти ойлик йўл босиб Сарой шаҳрига бордик, Шоҳдор билан қаттиқ жанг қилдик. Гўрўғлининг болалари ўлди. Гўрўғли ҳам заҳмдор бўлди. Оти билан етаклаб, тоғнинг устига олиб чиқдим, тиззамга бош қўйиб васият билан жон берди. Эшитинг фуқаро, Гўрўғлининг васияти шулдир:

«— Тоға, энди менинг ўрнимга соҳибим сиз, юртимни сизга топширдим. Бева-бечораларни, етим-есирларни, камбагал бойларни олиқ-солиқ, хирож-божлари билан хазина қилдим. Бул хазина юртимнинг ўзини ҳақидир. Менда меросхўр йўқдир, юртимга хабар беринг, тамом фуқаролар келсин, хазинани қисмат билан тақсим қилиб, бўлиб олсин. Мени руҳимга дуо қилсин. Мендан қейин қолган мулк сизга бўлсин, деб васият қилган. Фуқаролар, шу хабарни билинглар, бир-бирларингга тезлик билан хабар қилинглар. Уч кундан қолмай келинглар, хазинани етишича тақсим қилиб олинглар, хонининг руҳига дуо қилинглар», деб бу хабарни ёздириди. Муншиларга ўқитиб кўриб, қўлига олиб хатни тешканларни¹ қўлига берди. Улар бу хабарни тезда халқа еткизди. Бу фуқаролар дунёни оламиз деб бир-бирларига қарамай, йўл торти.

Аҳмад қилди уч кун тогда фурсатди(ни),
Ҳар тарафга юборди эълон хатди(ни),
Фуқаролар бу хабарни эшитди,
Дунё учун жонни сотган оломон,
Бир-бирига қарамасдан йўл торти.

¹ Хат ташувчилар.

Аҳмад минди шиддатланиб отига,
Етиб келди оломоннинг устига.
Тўрт минг ҳалқи оломонлар тўпланди,
Олти минг йигитларини елчитди.

Ана хазна, бориб талаб онглар деб,
Аҳмадга Аскар ўқни кўрсатди.
Тутунлар осмонни тутди бурқираб,
Ўқлар ўтар юлдуздай бўп ширқираб.

Жонларидан умид узди оломон,
Дарвозага боролмайди чирқираб,
Аҳмад отга минди, қилди ғайратди(ни)
Найза билан қиличларин тезлатди,

Кимки бормай қараб қўйса орқага,
Қилич билан бошин кесди, сулатди.
Оломонлар оҳ-вой деб зор йиғлаб,
Бораверди Аскар ўқига қараб.

Ўқ текканлар ажал сувини ютди,
Бу ажалга чидай олмай оломон,
Дарвозани тенг ёпишиб қулатди,
Бориб Аскарбекни маҳкам ушлади.

Ўн учини бошин кесиб ташлади.
Қизил рўша¹ билан Аҳмад дор қурди,
Солди арқон Аскарбекнинг бўйнига,
Аскарбекни дорга осиб ўлдирди.

Чамбил эллар энди бўлди аросат,
Ўлганларга бўлди даври қиёмат,
Оломонни, қолганларини ҳайдаб,
Шаҳар томон равон бўлди бек Аҳмад.

Оломонни ҳайдаб шаҳарга етди,
Ола бер деб хазинани кўрсатди.
Олти мингта йигитига тайинлаб,
Қетмасин деб ҳар қўчага пойлатди.

Оломонлар олди хазинани талаб,
Ҳайдади таги Гулбоққа қараб.
Тимдан ўтиб раста борди мўминлар,

¹ Бўямоқ, рангламоқ.

Кимки тимдан қадам қўйиб чиқарди
Омон бермай отиб турди Бедиёр.

Аҳмад қилди «қайтманглар» деб хурушти (ни),
Ким растадан чиқди, ўқига учди.
Тузалмайди теккан ўқнинг яраси
Қўз тегиб бузилди хоннинг қаласи,
Ким растадан чиқса отар Бедиёр,
Қутулмайди яланг эди ораси.

Бедиёр қилди устин-устин отишни,
Ўлик деган ғарам бўлиб аймашди,
Дори ўқлар алангаси тимларга
Шамол билан бирга келиб туташди.
Тутун ўёлин ўрлаб чиқиб осмонга,
Тимлар куйиб ўлик устига тушди.

Ўлик ётди бир-бирига мунавишиб,
Раста-тимлар куиди ўликни босиб,
Кўчаларгача босилди ўликлар,
Куз кунида ўлган таналар сасиб.

Бедиёрда тоби-тоқат бўлмади,
Отаберди бирдам ором олмади,
Хайдай деса бек Аҳмадбек яқинлаб.
Оломондан бирор киши қолмади.
Йиғлади оҳ тортиб, кўзини ёшлаб,
Бир нечалар қолди ерни қучоқлаб.
Аҳмад Сардор ўрда қараб жўнади.

Олти минг йигитни бошлаб, Аҳмад ўрдага етиб бориб, отдан тушди. Аҳмад Сардор ўрдага тушиб каттаю кичик, мирзаю умаролар олдига ўтириди. Кўчаларга жарчиларни буюрди, дарвоза-дарвозага киши қўйиб бекиттирди. Жарчилар кўчаларда чақирди:

«Замон-замон кимники, Аҳмад Сардорники. Гулбоғ Бедиёрники» деб кўча-кўчада жарчиларнинг овозлари эшитилар эди. Бедиёр кўрди, шовқин пасандади¹ бўлди. Қаланинг устига чиқди. Қараса: рўпарасида душман қолматти, кўча-кўчаларда раста-тимлар куйиб тушиб, тутунлар тумандай Чамбилнинг тепасини тутиб ётибди. Қалани устидан Бедиёр ҳар тарафга қаради. Сиртқи дарвозада дор устида осилган ўликни кўрди. Аҳмад

¹ Пасайди.

акам Аскарни ўлдириб келган экан, деди. Яна дарвоза тепасидан деволнинг ичига тушди, шерикларига айтди:

— Аҳмад ўрдага бориб жойланибди. Сиртқи дарвозда, дорда бир ўлиқ осилиб турибди. Акам Аскарнинг ўлиги бўлса керак. Эй биродарлар, бепарво бўлманглар, душман бўлса-бўлмаса ўқнинг кетини узмай, отиб туринглар, эналаримга кириб бу хабарни айтайн,— деди.

Гулбоққа кириб Бедиёр:

— Эй меҳрибонларим, Аҳмад тоғам Сарой йўлидан қайтиб келибди, лашкар қилиб, сиртқи дарвозани бузибди, акам Аскарни дорга осиб ўлдириб келибди. Сизларнинг қастиларингда олти кундан бери мён билан жанг қиласди. Ахир дарвозага келолмай, бугундан қайтиб кетди. Кўча-кўчаларда жарчиларнинг «Замон-замон Аҳмадбекники» деган овозларини эшитдим. Бунинг кўнглида нима муддаоси бор бу ишларни қиласди. Гулбоғда хазина ўқидир, сизларни ўлжа — асир қилмоққа, бунинг қилган ғавфоси шудир. Бу золимнинг қўлига гирифтор бўлмайик,— деб йиглади. Бедиёрнинг бу сўзини эшитиб, ўрда ичидаги хотинларга ваҳим тушди. Бирдан йиғи кўтарди. Оға Юнус айтди:

— Эй болам Бедиёр, кимки энадан туғилгай, ўлим у билан бирга бўлғай. Отанг аввали худо, қолмиш бизни сенга ишониб ташлаб кетган. Дарвоза тагида ётавер, душман келса отавер. Қазо етса кетамиз, душманга йўл бергунча қўлида жон берган афзал. Бор, сени худо сақласин, болам,— деб Бедиёрнинг ҳақига дуо қилди. Бедиёр энасининг у сўзи билан қазога сабр тилаб орқасига қайтиб, шерикларнинг олдига чиқиб келди. Дарвоза тагида ётаверди, ўқни териб отаверди. У отаверсин, эндиғи гапни ўрда ичидаги хотинлардан эшитинг. Бедиёр чиқиб кетгандан кейин ҳаммалари дод-фигон қилиб, йиғи кўтарди. Оға Юнус бир соат сабр қилиб турди. Охир тоқат қилолмай:— Ойимлар, йиғини қўйинглар, менинг сизларга дейдиган бир сўзим бор,— деди.

Хотинлар баравар йиғини тўхтатди. Оға Юнус хотинларга қараб:

— Қуръоннинг бир ҳарфида бир ҳадис келтирилипти, бунинг маъносин айтаман. Кимки давлатманд бўлса, дилига келтирсанки, ҳеч нарсадан камлигим йўқ, бир кишига муҳтоҷлик жойим ҳам йўқ, деб ўйласа, муқарар пар кофир бўлур. Агар банда дунёда камлик, муҳтоҷ-

ликни кўп тортса, айтсаки, мен худога нима ёздим, бир яхшилик кўрмадим, деса бу ҳам муқаррар кофир бўлур, яхшиси шу — сабр қилмоқ керак. Шунча йил Гўрўғлиниг давлатига фарқ бўлиб ўтдиларинг, ҳеч нимадан камлик кўрмадиларинг. Бир кунги жафосига чидамай, дод-вой қилсак, бундан баттар жафога солса, қўлимиздан нима келади? Иифидан фойда йўқ. Бу жафога бир ўй топмоқ керак. Мана мулки шерик, Аҳмад тоғам ҳукумат ихтиёр ўзида эди, ўз мулкига ўт қўйиб, кўйдириб юборибди.

Бунинг бундай қилмишидан мақсади ўйлайманки, бизни ўлжа — асир қилмоқ қасдига шу ишларни қилаётгандир. Бунинг рўпарасида тураверсак бир кун қўргоннинг бир ерини ушатиб киради. Бизни қўлга олса, ҳаммамизни расво қилади. Оқил киши душмандан ўзини яширгай. Сизларга мен бир маслаҳат берсам нима дейсизлар? — деди.

Хотинлар:— Ҳаммамизниг улуғимиз сиз, сўзланг, эшитайлик, — деди.

Оға Юнус айтди:— Мана шу Гўрўғли оталаринг гўрдан туғилиб чиққанда, шу Аҳмад тоғасининг ўзига боқим бўлган. Хотини Оқбилакни Райҳон араб оталарингни ёш топиб, байталинга отимни қўйиб бераман, деб алдаб, янгангни қўлидан сув ичкариб қўй, деб, қўлидан сув бергизган вақтида, косани олмай, Оқбилакнинг қўлидан ушлаб, олиб қочган. Оталарингнинг байтали туғиб, ул Фирот бўлди; Бул Фиротни миниб оталаринг Мисрга борди. Райҳоннинг қизи Қоракўзни янгасига бадал қилиб олиб келди. Аҳмад тоғаси савдоғарчиликка кетган эди. Саккиз йилда келди, келиб уйга кирди. Хотини йўқ, бир бегона қиз ўтирипти, қайтиб чиқиб:— Эй Гўрўғли, янганг йўқ, уйдаги ким? — деди. Бул Гўрўғли аввалдан охир ўтган ишни айтди. Бир-икки кун бўлди, бу қизни ўрнига олиб келдим, — деди. Аҳмадбек хушланиб, бу қизни олди. Ҳали ўша эшигидаги Ҷутакўз ўша Қоракўздан туғилган. Бу Аҳмад тоғаси беш-үн кун ўтгандан кейин шу хотиннинг кекини қилиб, оталарингни эшигидан ҳайдаб чиқариб юборди. Кимнинг эшигига киарини билмай, ҳар кимнинг эшигига кун кўриб юрди. Бунда Туркманда катта бир бой бор эди. Ул бойнинг отини Хидирилиб дер эди. Маърака мажлисда, хоҳ тўй-худойиларда у катталарни орасида ўтирганда ўша бой:— Ҳой Гўрўғли етим, бери кел, — деб чақириб, олдида хоҳ гўшт, хоҳ ош, хоҳ нон бўлса, Гўрўғлининг қўлига берар экан. Гўрўғли унинг қўлидан ов-

қатни олиб ер экан. Шунда Хидирилибой катталарга ё мўйсафидларга айтар экан:— У халойиқлар, шу болага бепарво бўлманглар, менинг кўзимга бу боланинг қадди-қомати, ҳусни жамолида, кўзида, юзида ҳам ўзида, бахти баланд кўринади. Вақти келиб, бир юртнинг бошчиси бўлар. Кимки бунинг бошини силаса, то танида жони бор — ҳеч унутмас. Гувоҳ бўлинглар, шу Гўрӯғлини ўғил тутдим. Ҳо Гўрӯғли, менга ўғил бўлдингми? — деди.

Гўрӯғли айтди:— Отам ҳам, онам ҳам йўқдир. Сиз менга ота бўлинг, заифингиз она бўлсин, то тирикман хизматингизда бўлай, — деди. Сал вақт ўтди, бу Чамбил бино бўлди. Туркманистон ўзига буни хон кўтарди. Мен Кўйиқоф, Боги Эрамда отим Оға Юнус пари эди, Боги Эрамнинг подшоси эдим. Чўлистон рабби маским¹ тарафига келган парилар менга бунинг тарифини кўп қилди.

Чўлистонда одамзод вилоятидан бир ўғил пайдо бўлганмиш. Унинг номи Гўрӯғли эмиш. Агар буни кўрса, девлар қўрқармиш. Шундай баҳайбат, басавлат ҳам хушрўй, баланд қомат йигит деб мақташи. Кўрай-чи, қандай одам экан деб учиб келдим, келиб ишқига гирифтор бўлиб тегдим. Бир пари Кўйиқофдан келиб текканмиш, деб Испиҳондан Мисқол пари эшишиб, у ҳам келиб, тегди. Кўҳистондан Гулнор пари келиб тегди. Паризоддан уч хотин бўлдик. Биздан бола бўлмади, одамзоддан тўққизни олди, ўн икки хотин бўлдик, бу лардан ҳам бола бўлмади. Бечора Гўрӯғли боланинг аламига чидамай, бола ўғирлик қилди. Ҳар бир мамлакатдан ўғил олиб кёлишни одат қилди. Уша дамдан шу дамгача, ўша Туркманистоннинг отахони Хидирилибой ҳар йили оталарингни кўргани бир марта келар эди. Шу бой келиб, бизнинг олдимизда уч-тўрт кун ётиб кетар, эди. Шу бой тўрт йилдан бери келмай қолди. Шу бой ўлгани йўқ, ўлган бўлса бир хабари келар эди. Қариб, чўкиб қолган бўлса, қелолмай қолгандир. Мана мулки шерик Аҳмад тоғамизнинг бизга соглан кулфат-уқубатлари бундай бўлаяпти. Буни рўпарасида турмай қочайлик. Бедиёрни чақирайлик, бизни ёлғиз ер билан бошласин. Хандақдан ўтказиб, қалани деволига чиқиб ҳар қайсимиизни белимизга аргамчи солиб деволдан ошириб тушураверсин. Қаладан саломат чиқиб олсак, Аҳмаднинг кишиларига кўринмай, кечалаб қочиб кета-

¹ Афсонавий жой номи.

версак, Бедиёр дарвозани пойлаб ётаверсин. Эсон-омон Хидирилибой отамизникига етиб олсак, то Аҳмад бизнинг дарагимизни у ердан топгунча, худо подшо, Гўр-ўғлидан бир хабар келиб қолар,— деб хотинларга шу маслаҳатни кўрсатди. Хотинларга бу сўз маъқул келди. Бедиёрни чақирди. Бедиёр йўл бошлаб, уларни олиб жўнади, намозшомда сиртқи дарвозага етди. Бедиёр қаланинг устига чиқди. Хотинларнинг белига аргамчи солиб деволдан битта-битталаб тортиб олиб, ошириб, қаланинг ташқарисига туширди. Бедиёр хотинлар билан маъзурлашиб қайтиб кетди. Гулбоққа кириб, дарвоза тагида ётаверди, ўқини узмай териб отаверди. Энди хотинларни йўлда кетаётганидан эшигинг. Улар уй ичидагимхоб, ипак палосларни ялангоёқ босмаган ойимлар ковушларини қўлига олиб, намозшомда чўлистонга қараб жўнади. Почадароз жангаль, чўкарларни кесиб оёқларни тешиб, яргичноқдек тошлар пўшини кесиб, оёқлари қонга ботиб, йифи-сиғи билан кечаси йўл юрди. Тонг отди. Кун қиёмгача юрди. Бир адирнинг тагида кенг бир суви йўқ тошлоқ сой бор эди. У тошлоққа тушиб юргандан кейин оёқларининг яралари тошга ботиб юролмай қолди. Бир ерга бориб, тўпланиб, ўтириб олди. Бир қадам юргани ҳам оёғида мадор қолмади. Бир-бирларини пешонасига пешонасини қўйиб, йифига тушди. Юролмаймиз, шу жойда ўлар эканмиз,— деб булар бу ерда турсин, энди булар қора тортиб бораётган туркмандаги Хидирилибой отахонидан эшигинг.

Хидирилибой дунёдор, катта бой эди. Етти минг йилқиси бор эди. Етти минг йилқини ичидаги учта байтал йўқолиб кетган эди. У бой бир бияни миниб, уч байтални истаб ҳар куни эрта билан кетар эди. Қеч бўлганда келар эди. Ўша хотинлар сойни ичидаги ўтириб қолган куни бой ўтовга тушда келди, отдан тушди, отни бойлаб ўтириди:

— Ҳо кампир,— деди.— Ҳа,— деди камдири.

Чол айтди;

— Ҳеч овқатинг борми, қорним очиб кетди?

Бир коса қатиқ билан бир қозонга қотирган қотирма чеватини келтириб қўйди. Чол қатиққа чеватини булаб уриб олди, қорнини тўқлади. У бойнинг тўққиз ўғил, тўққиз қизи ва тўққиз келини бор эди. Тўққиз ўғлидан ўртансасининг оти Маъқулча эди. У бари болаларидан сўнг эди, ҳангомачи, дангаса эди. Бой шу ўғлини ёмон кўрар эди.

— Шу ҳароми менинг дунёминг қадрига етмай, уни ўйқотади,— деб ёмон кўриб, ҳеч отини атаб чақирмас эди. Чол қотирмага қорнини тўйғизиб бўлиб, ўтирган ерида ўёқ-буёққа қаради. Ёмон кўрган ўғлидан бошқа ўғли кўзига кўринмади. Ноилож:— Ҳо Маъқулча,— деди. Маъқулча ўғли:— Ҳа,— деди.

Бой:— Менга бир тузукроқ от тутиб бергин, бу от чарчаб қолди, ўн беш кундан бери ҳар ёқни қарадим. Мана шу ўрта бел адир даласини қарамадим. Шу бугун ўша тарафни ҳам қараб келай-чи, эҳтимол шу уч байтал топилиб қолса,— деди.

Ўғли айтди: Бунча умринг узоқ бўлди, ё ўлмайсан. Ун беш кундан бери эртаметан кетасан, кечқурун кела-сан. Белинг буқрайиб, қулоғинг дикрайиб отдан тушмайсан. Тўққиз ўғил эканмиз, қаранглар, болаларим,— деб бизга буюрсанг, оёғинг узатиб уйда ётсанг. Тўққиз ёқни қараймиз. Бор бўлса топиб келамиз. Йўқ бўлса йўққа чиқади. Уч бияни топаман деб, бир ерда ўлигинг қолар, қарға-қузғун еб кетар, ўлигингни истаб қайси жанглларни ахтарамиз,— деб ўрнидан туриб кетди. Уч қулоч ёғочга бир қулоч аргамчини угуруқ қилиб бойлади. Ун бешта безори улфатини чақириб олди. Бир тўп йилқини ҳайдаб бир сойнинг ичига олиб бориб қамади. Шерикларини тўстириб қўйди. Йилқиларнинг ичидаги қора бияси бор эди, одамни кўрса, гойиб бўлиб кетар, ёввойи бўлиб кетган эди, кўзига шу кўриниб қолди. Угуруқни ҳалигининг бўйнига ташлади. Қора байтални етаклаб олиб чиқди. Шерикларига жавоб берди. У байтални етаклаб ўтовга келди, ўтовни оғзига бойлаб қўйди. Қозиқда ҳам тек турмай, бирдай югуриб турди.

— Келинг ота, мининг,— деди. У отга ёмон абзал уриб, қўйди. Чириб қолган жун, босма айил тортиб қўйди. Бир қилчилвирдан тизгин, қилдан юганни уриб қўйди. Чол отни мингани туриб бораверди. (Чол) тўқсон тўртга кирган эди, буқрайиб қолган эди. Олдидаги турган одамни ҳам кўзи илғамас эди. Йўқотган байталларни кўрса ҳам танимас эди. Бирордан сўраб топиб келаман, деб қидирар эди.

Маъқулча отасини ўлдириш учун ўша отни эгарлади. Чол отга яқин етганда бўйнини бит чақиб олди. Қашланиб туриб қолди. Орқасига қараб:

— Ҳо кампир, ўтовга кирай, яхтак-иштонимни ечай, пўстинни устидан белимни бойлаб олай, отга миниб кетавераман. Мени далада ким кўриб юрибди. Ювиб

қўйгин, мен келгунча қуриб қолар,— деди. (Ўзи) ўтова-
га кириб иштон-яхтакни ечди, пўстинни устидан калта
ип билан бойлаб олди. Отни олдига келди. Маъқулча
ўғли отни олдида пойлаб туриб эди, эгар оғиб кетса
бошқа абзал уриб бер,— дейди, деб. Чол кичкина бўлиб
қолган эди. Қўлтиғига қўл солиб, даст кўтариб, отга
миндириб қўйди. Тизгинни ечиб чолнинг қўлига берди ва
қўйиб юборди. От кўтариб кетди. Чол «Ё навзанбилло,
қайда ўламан экан» деб бораверди. Бориб-бориб тўп-
ланиб ўтирган хотинларга рўпара бўлди. Бобони оти
тўхтаб, орқасига тисарилиб, пирқ-пирқ этиб туриб қол-
ди. Бу нимадан ҳуркади экан, деб бобо хўб сингалаб
қаради. Қип-қизил тўплаб қўйган чўғ жимир-жимир
товуш қилиб турганга ўхшаб кўринди кўзига. Бобо яна
сингалади, бу нима экан деб. Кичкина-кичкина қиз бол-
лаларга ўхшаб кўринди. Бобо айтди:— Ёшлигимда қа-
риларнинг суҳбатида ўтирганимда кексалар айтарди:
болалар, қулоқларингда бўлсин, ҳа, вабо ҳам хотин
кишига ўхшаб юради. Жинлар ҳам ёш қиз боллаларга
 ўхшаб тўпланиб юради. Хоҳ кўлда, хоҳ чўлда шуна-
қага учраб қолсаларинг, ўзларинг билган дуоларингни
ўқиб, дам солсаларинг, йўқ бўлиб кетади,— дер эди.
Мен жиннинг тўпланиб қолган ерига келиб қолганга
 ўхшайман, деб бобо билган дуосини ўқиб, дам солди,
 ҳеч йўқолмади. Бу ажина гапирмасам кетмас экан,—
 деб бобо бир сўз деди:

Бор худоё бергин бу жонга пано,
Танда жоним қилма бугун бегона,
Тагимдаги отим асов ҳуркади,
Нари йўқол, тўпланишган ажина.

Шунда Гўрўғлининг ўртанча хотини Мисқол пари бир
сўз деди:

Айтай, бобо, ҳасрат доди-надомат,
Аросати бугун бўлди қиёмат,
Бу жойларда бўлмас жини фалокат,
Жин деманг, бобо, наслим одамзод.

Шунда чол:

Сўрасам одамдай жавоб берасан,
Ким кўринса алдаб ақлин оласан,

¹ Синчиклаб, астойдил тикилиб қараш.

Одамман деб мени йўлга соласан,
Қайдан чиқдинг, қайси элга борасан?

Мисқол бир сўз деди:

Майдонда панд берар отнинг майиби,
Сарой кетди Чамбил элнинг сойиби,
Юртин бузди Аҳмадбекдай нойиби,
Биз бўламиз Гўрўғлиниг зайиби.

Бобо бир сўз деди:

Хуркитма қари бобонг отини,
Бандага солмасин ўлим отини,
Танимасдан мен сизларга сўзладим,
Сен экансан Гўрўғлиниг хотини.

Мисқол:

Намозшомдан бери биз йўл юрамиз,
Аҳмадбекдан биз жафолар кўрамиз,
Биз келамиз Аҳмад тоғамдан қочиб,
Хидиралибойникига борамиз.

Бунда чол:

Жин десам одамга ўхшар товушинг,
Оёққа ярашган кийган ковушинг,
Борсангизлар Хидиралибой уйига,
Болларида, ўзида бор нима ишинг?

Мисқол бир сўз деди:

Намозшомдан бери биз йўл тортамиз,
Аҳмадни дастидан ғамга ботамиз,
Биз келамиз Аҳмад тоғамдан қочиб,
Хидиралибой бизнинг ўкул отамиз.

Хон Сарой кетганди мулкидан кечиб,
Аҳмад одам сўйди қонларни кечиб,
Чамбил элни вайрон қилди бек Аҳмад,
Биз келамиз Аҳмад тоғамдан қочиб.

Шунда бобо пешонасига бир урди:

— Ҳой дариг, қаригунча кўмилган яхши экан. Умрим ичиди буларниг яхши иззатларини кўриб, яхши овқатга тўйиб, ёшим шу жойга келди. Буларни эшигимга бир келтириб меҳмон қилиб, бир кўнглини хуш

қилмадим, деб доги ҳасратда юрар эдим. Эшитувдим, Аҳмад аҳмоқ Гўрӯғлини Саройга кетказиб, Чамбидда оломонларни ўлдириб юрган эмиш деб. Бу бечоралар Аҳмаддан қочиб, мени отам деб, менинига келаётган экан. Буларни танимай жин, ажина деб ёмон сўзларни айтдим, мени танимади, таниса эди, ҳормаиг ота дер эди. Танимагани яхши бўлди. Энди ўзимни танитмай кетай. Хидиралибой менман десам, шуникига бориб чима обрўй топармиз, деб у бечораларнинг ғами устига яна ғам қўшилмасин,— деди ўзича.

— Хо болаларим, ўринларингдан туриғлар. Мана шу адирнинг устига юринглар. Адирдан ошиб ўтсаларинг Туркманнинг даласи — текис ўтовлар кўриниб турари. Борсаларинг, чеккадаги оқ ўтовлар Хидиралибойнинг ўтови. Тўқиз қиз, тўқиз келини бор. Болалари жуда қобил, яхши меҳмон қилади. Тезроқ юринглар, бевақтга қолманглар,— деди.

Хотинлар ўринларидан туриб, адирга қараб юрди. Ўрнидан туролмай, қадам босиб юролмай, оёқларининг яралари зўрлади. Эмаклашиб, бир-бирларига суюнишиб, бир-бирини етаклашиб, йиғлашиб адирга қараб бора-верди. Буларнинг аҳволини кўриб бобонинг ҳам раҳми келди.— Сизларни шу кунга солмай Аҳмад ўлсин,— деб йиғлади.

У айтди:

— Бу бечоралар, шундай машаққатлар билан борса, менинг болаларим буларни танимаса, буёққа кир, бу ерда тур демаса, «танимасни сийламас», қайга ки-рарини билмай, дала ерда қолмасин. Булардан илгарироқ ўзим уйга бориб, болаларимни хизматга буюриб, то буларнинг қошида ўзим бўлмасам бўлмас,— деб отини лўқлатиб¹ кетаётган эди, бир жойга етганда ернинг тагидан сув ўтган текис ерга от шўнғиб кириб кетди. От бошича санчилиб қолди. Бобо эгардан ўтиб, отнинг бўйнига ётиб, отнинг бошини қучоқлаб қолди. Айил узилиб, эгар чолнинг остидан иргиб чиқиб кетди. От чопиб тураман деб бобонинг бурнига бошини урди.

Бобонинг бурни қонади, отнинг ёлига ишқалиб белидаги ип ечилди. То от ўрнидан тургунча, пўстин бобонинг бошидан ошиб, отнинг бошига ёпилди. Бобонинг боши билан отнинг бошини пўстин ўраб қолди. Жонининг борича от туриб, кўтариб кетди. Чол отнинг

¹ Лўқиллатиб.

бошини қучоқлаб борар эди. Бобонинг орқаси очилиб қолди. Турай деб, бобо ҳарчанд ҳаракат қилди, ўзини ўнглаб ололмасди. От бир жиulgа ичига зирқираб кетаверди. Ҳар ерда ўлимтик еб ётган элатнинг итлари бешта-ўнта бўлиб, отнинг орқасидан қувиб борарада. Итларнинг шовқини билан от жонининг борича қочар эди. Шу борганича, эл ичига оралаб кетди. Туркманлар кўрдики, бир кишининг орқаси очилиб, от ёлига ётиб бораяпти. Кўп одамлар отни тўсиб, тутмоққа қасд қилди. У от одамни кўрмаса босиб кетар эди. Ўтовларни оралаб, айланиб чопа берди. У бобонинг бола-чақалари айланиб, орқасидан йиғлаб ютурап эди. Бобо билдики, эл ичидаги орқаси очилиб шарманда бўлди. «Бу кундан ўлганим яхши» деб ўзини отдан ташлади. Ерга пўстин бошига ёпилганича бети билан ағдарилиб тушди. Бобо миқ этмай қолди. Бола-чақалари бобо ялангочлиги учун унинг олдига боролмай турагар эди. Кекса кишилар бир қўли билан кўзларини бекитиб келиб, бир қўли билан пўстинни тортиб, бобонинг устини ёпиб қўйди. Бола-чақалари кўрпа, занбар олиб келиб, бобони кўрпага ўраб, занбарга солиб, устига пўстинини ёпиб, йиғлашиб, уйларига кўтариб кетди. Ўтовнинг ичига олиб кириб ётқизиб қўйди. Ҳарчанд гап сўраса, бобо индамас эди. Юрт-эллар бешлаб, ўнлаб кириб, кўриб чиқиб кетиб турагар эди. Бола-чақалари «дод-вой» деб тепасида йиғлашиб турарди. Кексалар кириб, юрагига қўл солиб кўрди.

— Кўп йиғламанглар, ўлгани йўқ. Кексалик қилиб сал кўнгил кетибди, энди тузук бўлиб қолади,— деб чиқиб кетар эди. Бунга ҳам болалари қаноат қилмай, баландроқ шовқин солиб йиғлашар эди. Чолнинг қампиди чолимнинг жони бор экан, деб тия-моллардан сўйиб, чолнинг бошидан айлантириб, хомталаш қилиб, чолимдан садаға дерди. Йиғи-сифининг ичидаги «уни сўй, буни қўй» деган гап чолнинг қулоғига кириб қолди.

Чол:— Ҳо кампир,— деб чақирди. Қампир:

— Ҳа,— деб олдига келди. Чол айтди:

— Ташқарида нима шовқин, уни қўй, буни сўй деган,— деди. Қампир айтди:

— Сизни шайтонлаб қолди, деб . моллардан сўйиб садақа қилиб, хомталаш қилаётирман,— деди.

Чол айтди:— Мен гапириб бўлгунча сўйгизмай тур.

Қампир:— Ҳой, сўймай туринглар,— деди.

Чол айтди:

— Мен уч биёбон истаб ўрта бел дарасига бордим. Гўрўғлининг хотинлари бир ерга тўпланишиб ўтирган экан. Шуларга дучор бўлдим. Отим ҳуркиб, тўхтаб қолдим. Жинмисан, одаммисан? — дедим.

Кўзим хиалик қилиб танимабман, улар жавоб берди. Гўрўғлининг заифалари экан. Гўрўғли Саройга кетган экан. Аҳмад Сардор Чамбилини бузиб, буларни ўлжа — асир қилмоққа қасд қилибди. Аҳмаддан қочиб, хотинлар меникига келаётган экан. Ўзларини менга танитди. Мен уларга айтган сўзимдан уялиб, ўзимни танитмадим. Адирдан ошиб борсаларинг, ўтовлар кўринади, чеккадаги оқ ўтовлар ўша Хидирабойнинг ўтови деб, уларга ўтовни тайинлаб жўнатдим. Ўзим булардан илгарироқ бориб турай, деб бир жилғани ичи билан тезлаб келаётсан бу ҳароми ўлгир от йиқилди, мени шу кайфиятга солди. Юрт оралаб қочиб келиб, эл ичидан мени шарманда қилди. Бу беобрўй бўлганимдан элдан номус қилиб, ўзимни ўликка солиб ётибман, ўзимга ҳеч нарса қилгани йўқ. Мен уч бияни топаман деб шундай расво бўлсаму сен буёқдан сўйиб, тугатиб турсанг! Сўйгизма, қизу келинларингга буюргил, ойимлар келгунча бир қақасроққа¹ ўтов тикиб жой ростлаб турсин. Ойимларга бисотимда нима бўлса сарф қилиб меҳмон қилинглар, уларнинг кўнглини яхши тўлдиринглар. У ойимларнинг кўп иззатларини кўрганман. Мени сўраса қаттиқ касал дегин. Кўргани боргани кишиларни танимайди, шу сўраганларинг ҳам кифоя дегин. Кўрамиз деб келиб, мени таниб қўйиб, у адирнинг тагидаги бояги чол шу эмасми, деб мазамни қочирмасин,— деди.

Кампир қиз ва келинларини чеккароққа бир ўтов тикинглар деб буюрди. Чолнинг ўтовидан эллик қадамча нарига бир ўтов тикилди. Ўтовни жуда ясади. Ойимлар адирни устида қизғалдоқдай қизариб кўринди. Тўққиз қиз, тўққиз келин югуришиб бориб, ойимлар билан кўришди. Қўл ушлашиб, гаплашиб, етаклашиб келиб, ўтовга киргизди.

Ҳаммалари ўтовга кириб ўтирди. Чолнинг қизи, келинлари дастурхонларни тўкиб солди. Ошу гўштларга жуда сероб қилди. Чол:

— Ҳо кампир; — деди. — Ҳа, — деди кампири.

Чол: — Ойимлардан ҳеч дарак борми? — деди. Кам-

¹ Четроққа.

шир айтди:— Ойимлар боғана келган. Қизу келинлар меҳмон қилиб ўтирибди.

Чол айтди:— Сен бормадингми?

Кампир:— Мен бормадим,— деди. Чол айтди:

— Э баччағар, беақл, улар сенинг яхши кийимингни кийгани, ош-овқатингга тўйгани келмагандир. Улар дилшикаста бўлиб келган. Сен кўҳна кишисан, кўп яшаган, сен бориб, буларнинг олдидаги ўтиришинг лозим. Пироқ-яқиндан тимсол қилиб, уларга сўз сўзлаб, кўнглини овлаб ўтиришинг зарур,— деди. Кампир:— Мен бормайман,— деди. Чол:— Нимага бормайсан?— Э ақли қисқа, беақл, шунча боланинг энаси бўлсанг, шунча молларни эгаси бўлсанг, моли туворни ичидаги турган бўлсанг, сен элат хотини эканлигингни билмайдими? Бир молни сотиб усти бош қилсанг, ойимларни кийимидан ортиқча бўласан. Элат хотини деб сени айбламайди. Боргин, шу меҳмонларни нима билан ҳам (бўлса) вақтини чоқ қилиб ўтиргин,— деди. Кампир ўйланиб қолди. Кампирнинг келинчаклигидаги яхши либослари бўғчада кийилмай қолаверган эди. Сигир, йилқиларни соғиб, сутини соққанда у кийимлар булғанади, деб киймаган эди. Кампир ана у қизимга берсамми, ана у келинимга берсамми деб қариганда қизғаниб юаркан. Ҳеч қайсисига бергиси келмай, у кийимлар бўғчада турган эди. Кампир ўйлаб айтди: «Ойимларда бор кийим менда йўқми, шу кийимни шу бугун киймасам гўристонда кияманми?» деб туриб, нариги ўтовга кирди. Сандиқни очиб кийимини олди. Кийимини созандалар шундай мақтайди:

Булбул сайраб очар гулни,
Кийик кезар тоғу чўлни,
Момом кирди ул ўтовга,
Сандигига калит солди.
Сайис тўплар шунқор қушни,
Олди бўғча нопрамачни,
Саҳатдан нағал қоқтирган,
Кийди қўйма ковушини.
Зарриндан кўйнакни кийди,
Қиз ўрнига ўзин суйди.
Тилла қубба марваридлик
Соччопукларни тақди.
Усмани қўйди қошибга,
Дуряни солди бошига,
Сатта ғавҳар ёқут мунҷоқ,

Маржонлар осди тўшига.
Саллачани дол қўйди,
Чеккасига гул қўйди,
Упа-элик мўл қўйди,
Ўзини қиздай ясатиб,
Бетларига хол қўйди.
Пўтани бойлаб белига,
Тилла узук гавҳар кўзлик,
Ярқиратиб сават билан,
Билакузук солди қўлига.
Қўлда суқсур ғоз бўлиб,
Парилардан соз бўлиб,
Пардоз билан хўп ясанди,
Ўн беш яшар қиз бўлиб.
Сурмани қўйди кўзига,
Хўп оро берди ўзига,
Ойнакни олди тизига.
Сочларини силаниб
Термилди ойдай юзига.

Кампирни шарпаси чиқмай қолди. Чол ётган жойда кетдимикан деб:— Ҳой кампир,— деб чақирди. Кампир нарига ўтовдан «ҳу» деб жавоб берди.

— Ҳў бадалқиз, ҳали ҳам шу ердамисан?— деди. Кампир дим бўлиб қолди. Чол бошини кўтариб нариги ўтовга кераганинг тагидан қаради. Орқаси ўғириғлик сочиға соч попукни осиб ташқари қараб, тиззасига бир ойнакни олиб бир келинчак тараниб ўтирибди, суқсурдай бўлиб. Чол айтди: ғувлаган шамол турган экан, мени худо урган экан, ҳалигина далада ойимларни танимай жин, ажина деб қўйиб ундан панд едим, ё бу ўтирган қизларимнинг кенжаси, ё тўққиз келиннинг кенжаси, ҳо болам, танимай, жувон ўл,— деб қўйибман, хафа бўлиб юрмагин,— деди. Кампир кулиб:— Қариганда кўздан қолмай ўлинг,— деди. Чол:— А баччағар, қиз бўлибсан, қиздан ҳам соз бўлибсан, олдингга борсам, кўнглингни олсам, йўлга солсам бўлар экан,— деди. Кампир ўрнидан туриб шаъну шавкат билан соч попук, исирғаларини шалдиратиб кетаверди. Эшикда хизмат қилиб юрган келинлар кириб ойимларга хабар берди — кампир келәтибди деб. Ойимлар якбора югурушиб ўтовдан чиқди, ҳаммалари қучоқлашиб кўришиди. Оға Юнус кампирни қўлидан ушлаб, тўрга олиб чиқиб ёнига ўтқазди. Фотиҳа ўқишиди, бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўрашди. Ойимлар ер тагидан кўз қирини

солиб, кампиринг пардозларига қарап эди. Юзаклар чокидан сўкилиб кетгандай кулгилари келар эди. Бошлиридан кулфат-ғамнинг кўплигидан кулмоққа бир-биридан ору номус қилиб, енгларини оғзиларига тутиб, пинҳона кулар эди. Бунда Гўрӯғлининг ўртанча хотини Мисқол пари ўрнидан туриб, останадан ташқари чиқди. У ердан туриб, кампирга қараб таъзим қилиб бир сўз деди:

Ким раҳм этар кўздан оққан ёшимга,
Келиб қолмасин мирғазаблар қошимга,
Меҳрибоним, эна, сизга арз қилдим,
Бир симсари телпак беринг бошимга.

Ким ўтади бўй улимдан бегумон,
Жўмла жонга яратгандир меҳрибон,
Кўзим ушлаб энди сизга арз қилдим,
Кўз ёшимга раҳм қилинг, энажон.

Душманнинг хавфини солди кўнглимга,
Аҳмад тоғам кирап бўлди қўйнимга,
Қулоқ солинг, эна, сизга арзим шул,
Эркак жома-тўн тилайман энимга.

Ҳеч бандани ҳақ солмасин ўлимга,
Аҳмад тоғам қирғин солди элимга,
Қулоқ солинг, эна, айтай додимни,
Қилич билан камар бёринг белимга.

Чидамайман дўстдан тушган ўтимга,
Аҳмад тутса сепкил солар бетимга,
Меҳрибоним, эна, эшит арзимни,
Бир нўғай этик сўрайман путимга.

Мулкин ташлаб Сарой кетди бадавлат,
Чамбил қаласини бузди бек Аҳмад,
Аҳмад бизни ушлаб олса қиёмат,
Сафарга яроқли беринг битта от.

Зар кокилим зардан тараб ўрайин,
Шу камчилик, эна, сиздан сўрайин.
Худо бошга нени солса кўрайин,
Саройга хоним истаб борайин!—

деб, кампирга арз қилди. Кампир икки келини, икки қизини ҳалиги ўтовга буюрди. Тўрт бўғчани олиб келиб Мисқолнинг оёғи тагига ташлади. У бўғчани очди.

Ўзига муносиб уч қават ҳилатни¹ кийди, оёғига этик кийди. Бошига симсари телпакни кийиб, белига камар бойлади. Қилични белига осди, кокилини тахлаб телпакни тагига бостирди. Сумбати шамойилини эр йигитдай қилди.

Кампир айтди:— Эй паризод, кийган кийиминг ўзингга насиб қилсин, бисотимда борини бердим. Либоснинг ихтиёри хотинда бўлар, ҳайвоңи ихтиёри эркакда. Отни отангдан сўраб ол,— деди.

Мисқол:— Отам қаерда?— деди. Кампир айтди:— Отанг қаттиқ касал, кўргани борган кишини ҳам танимайди.

Бунда чол ойимларни бола-чақалар мәҳмон қилиб ўтирас, кун пешин бўлибди, шу уч байтал йўқолиб кетмасин, бир истаб келай, деб пўстинни кийиб, бир отни миниб нариги ўтовни қошида тескари қараб турган эди. Мисқол ташқарида эди. Мисқол қараса, тескари қараб бир киши нариги ўтовнинг қошида отга миниб туриби. Отам шу одам бўлмасин деб Мисқол «ҳу ота» деб чақирди. Қарасам таниб қўймасин деб чол тескари қараб турганича «Ҳа» деди. Мисқол айтди:

— Менга бир тузукроқ отингиздан берсангиз. Саройга султонни орқасидан борсам,— деди. У чол катта ўғил Ақилчани чақирди.— Саман отининг абзалини ўзгартмай қамчиси билан Мисқолга келтириб бергин. Абзалини мукаммал қилиб, тайёрлаб, буларни келган қадамига ҳадя қилдим,— деб далага қараб кета берди. Отни бобо буларга бермасди, Гўрўғлидан қўрққанидан берди. Ақилча саман отни эгарлаб, юганлаб, олиб келиб, Мисқолга кўндаланг қилди. Қамчинни эгар қошига осиб қўйди. Катта кундоши Оға Юнус пари Аҳмаднинг йўлдан қайтиб келганини, қанча аскарнинг ўлганини, фуқароларни ҳайдаб келганини, Аскарнинг дорда қолганини, хазинани талаб олганини, Чамбилнинг вайрон бўлганини, Бедиёрнинг хизмат қилганини, Гулбоғнинг саломат қолганини, буларнинг ўзлари туркман далалирида сарсон бўлганини, Бедиёрнинг хизматини кўпдан-кўп таъриф қилиб, ўзларини Аҳмаддан қочиб Туркманистонда Хидирилибойнинг эшигидá ётганини, Мисқолга Хидирилибойдан от, тўн тилаб олиб берганини ариза хат қилиб, кундошининг боғичига бойлаб қўйди. Кичкина кундоши Гулнор пари етти ойчалик йўл бўлса, эли йўқ чўл бўлса, ўзи заиф киши бўлса, бирорни

¹ Тўн, уст-бош.

хонасига кириб ёта бермаса, обу овқатдан қийналмасин
деб, санаң сўкка шакар қўшиб туйиб, талқон қилиб от-
ни орқасига бўктарди қилиб берди. Қирқ беш хотин
Мисқолни отлантириб, дуо қилиб жўнатди.

Мисқолойим минди отди(ни)
Сафарни ихтиёр этди,
Қирқ беш хотин дуо қилиб,
Мисқолойимни жўнатди.

Минди отнинг белига,
Қамчисин ушлаб қўлига,
Отни бошини тезлатди,
Биёбон изғар чўлига.

Узангини тепинди,
Чу жонивор,— деб дап бериб
Ҳайвон борар чўлни кўзлаб,
Сувлигини ул чайнаб,
Қора ерни қулочлади,
Қулогини жимириб.

Мисқол борар йўлни кўзлаб,
Сарой шаҳарин йўлини излаб,
Эй худоёй йўл бергин деб,
Кўздан ёши тизиллаб.
От чопди чўлнинг дашига
Еқалари ҳўл бўлди
Кўзидан оққан ёшига.

Узоқ йўллар туруш бермас,
Бу ҳайвоннинг югуришига.
Тизгин қоқиб қистаб чопса,
Йўлни кафлаб оғзин очар,
Сувлигини гарчча чайнаб,
Парча-парча кўпик сочар.

Туман бўлди чўлнинг чанги,
Мисқолойнинг бошига.
Узоқ йўллар тоқат қилмас,
Бу жонворнинг ирғишига,

Совиди терлаб ийикдай,
Чангиб борар тоғи чўлда.

Овчи қувган кийикдай,
Елиб боради чўлда.

Отга қамчи тортади,
Ер бағирлаб кетади,
Арғамчидай чўзилиб
Иўл танобин тортади.

Тўқайларда битган андиз,
Сув ичинда ўйнар қундуз,
Мисқолойим от ўйнатди,
Ҳам кечаю ҳам қундуз.

Лочинлар ётар уяда,
Кийиклар ўйнар қияда.
Мисқолойим от чопади
Шер йигитдан зиёда.
Мисқолни кўзи пирпираб,
Офтобда юзи ярқираб,
Хайвон жонвор йўл тортади,
Лочин қушдай ширқираб.

Ором олмай от ўйнатди,
Дам-бадам тушиб ўтлатди.
Қисқа-қисқа йўлда қўниб,
Йигирма кун йўл тортди.
Айни пешин бўлганда
Самкор тоғига етди.

Мисқол бориб тўхтаб қолди, бир баланд тоғни кўриб қамалиб қолди. У ёқ-бу ёққа қаради йўл йўқ, қаердан ўтарини билмай, пасти-баландга қаради. Бундай ҳам газабнок яратган чўлистан бўладими, мен тугул парранда юрса ташналиқдан ўлар экан. Йигирма кун йўл юрдим, бир қатра сув кўрмадим, деб туриб эди, олдинан бир катта арча чиқди, у қуриб қолган экан. У қуриган арчанинг тагидаги тошдан жилдираб сув чиқаяпти, яна тошга сингиб бораяпти. Мисқол у сувни кўриб худога шукур, деб отдан тушди. Қуриган арча шохига отни тизгинидан илиб, қантариб қўйди. Тошни тўдалаб, сувни бир кўллик қилиб бир ерга тўплаб, юз-қўлини ювиб, сувдан уч-тўрт қултум ичди. Талқондан бир оз еди. Дам олаётган эди, рўпарасидан катта бир тош гулдираб қулаб кела берди. Тош сурилиб келиб, Мисқолга яқин келганда бир катта тошга тегди. Мис-

қолдан сапчиб ўтиб, арчага урилди, арчани майдамайда қилди, агар аввалги тошга тегмаганда Мисқолни тамом қиласарди. От пишқириб орқасига тисланди. Мисқол бошини ерга қўйиб йиглади:

Доимо тинмай оқар кўзимдан ёшим,
Кеча-кундуз бўлди меҳнат йўлдошим,
Мени ташлаб кетди тилсиз ҳайвон-от,
Бир худога на ёқмади қилмишим.

Ҳасратингда доим оқди кўз ёшим,
Йўл тополмай мен қиласман оҳивой,
Йўқдир мени йўлга солар йўлдошим.

Ҳар муддао келди Мисқол дилига,
Худо осон этса раҳмин қулига,
Қочиб кетган оти келди айланиб,
Туриб ушлаб олди отни қўлига.

Узангига оёқ қўйиб Мисқолой,
Намозгарда минди отнинг белига.
Хуфтонгача йўл босиб ўтди тоғдан
Тоғдан ўтиб кетди Сарой йўлига.

Хуфтон вақти бўлди, у тоғдан ўтди,
Ярим кечагача тинмай йўл тортди,
Чаман-чаман бўлди у чўлистонда.

Билдики, лашкар чироққа етди. У вақтда Мисқол тўхтади. Чироққа етмай туриб, ер юзида қўйдай ёйилиб ётган лашкарнинг устига борди. У бир-бирига бош-оёқ бўлиб сарпўш ёпгандайин тиқилишиб, чўлистонда ётганини кўрди. Мисқол айтди: «Энди лашкарга етдим, бу ётган кишининг бирини уйғотиб олсан, мени хоннинг олдига бошлаб борса,— деб ёнидан қиличні суғириб олди. От устида энгашиб туриб бир кишини қилич билан туртиб уйғотмоқчи бўлди. Тағин қўлини тортди. Кейин ўлади: «Бу йигитни бошловчи қилиб борсан, хоннинг олдига кирсан, бу йигит билан бирга ётиб, менга кўрикка кўрсатиб олиб келдингми»— деб ажалим-етмаса ҳам ўлдирар, деб яна қилични филофга солди. Отни лашкарнинг кетига қараб «чу» деди. Одамларнинг орқасидан от очиқ жойларга оёғини қўйиб, иргиб-иргиб бораверди. Бир қанча лашкарни оралаб бир чодирга етди. Мисқолнинг толеига бу лашкарнинг уй-

қусини ғолиб қилди, то етгунча бир кишидан ё йўталиб ҳеч шалпа¹ чиқмади. Ҳамма лашкар ҳузури фароғатда ухлашиб ётган экан. Чодирнинг ичига беадат чироқларни ёқиб қўйибди. Чодирнинг ичи кундузидан ҳам равшан. Чодирнинг ичида ҳам одамлар бир-бирига омухта бўлиб ётипти, оёқ босар жой йўқ. Булар қаттиқ уйқуда. Чодирнинг ўртасида каравотда бир забардаст киши бош-оёғига пархутдан болиш қўйиб, чалқанча тушиб, бетига зар ёпиб ётибди. У каравотнинг тўрт тарафига тўрт каравотни тираб қўйибди. Тўртовида тўрт йигит ётибди. Бу йигитлар ҳар қайси найза-қиличларини қўкракларига олиб ухлаб ётибди. Мисқол айтди!— Оёқ ёғидаги Соқи булбулдир, чап ёнидаги Чаққон бекдир, ўнг тарафидаги Ҳасанбекдир, бош тарафдаги Аваз қўзимдир, ўртадаги хоннинг ўзи-дир,— деб чодирнинг ичига отини «чу» деб солди. Каравотнинг оёғига отнинг тумшуғини етказиб, туриб бир сўз деди:

...Оч кўзингни, кўтар бошинг—
Дунёга тўймаган Чамбилинг хони.
Адолат хонлар тахтидан тоймаган,
Ажал қаҳри шоҳ, гадони қўймаган,
Тур ўрнингдан, ётган Чамбилинг хони,
Жаҳонни олиб шоҳ **Искандар** тўймаган.

Қиёматда сувлар қуриб тош қолар,
Тан лаҳатда чириб, суяқ-бош қолар,
Кўтар бошинг, ётган Чамбилинг хони,
Олсанг Сарой Чамбил элдай бўш қолар,—

деб чақирди. Бунда ётганлар бошини кўтарди. Мисқол от бошини буриб қочди. Лашкар устига қараб от солиб, чиқиб кетди. Шовқин-арасот кўтарилиди. Мисқол бир жойга бориб тўхтади. Бу ётган лашкардан кўп кишини от босиб нобуд қилди. Ётган киши бошини кўтарганда Мисқолнинг юзини кўриб қолди. Бу етти ҳокимнинг улуғи Шоҳдор шоҳни уйғотган эди. Чўлистанга лашкарлар чиқиб бир-бирлари билан урушмоққа тайёрланиб пойлаб ётган эди. Мисқол бир узоққа бориб тўхтаб «худоё шукур, бу душмандан қутилдим, худо сақлади» деди... Шоҳдор лашкари саккиз ерда бўлса, хон билан тўққиз ерда лашкар бор экан. Тўқ-

¹ Шарпа.

қиз боргоҳга бориб қай биридан топар эканман, деб атрофга қаради. Яна бир ерда лопиллаб ёнган кўп чироқ кўринди. Мисқол у чироққа қараб кетди, яна бир лашкарга етди. Қўрада ётган қўйдай лашкар ер юзини босиб ётиби. Бу лашкарни оралаб-оралаб чироққа қараб бораверди. Бир чодирга етди. Чодирнинг ичидаги чироқлар бир-бирига тираб ёқиб қўйилиби, кундузгидан мўнаввар бўлиб туриби. Чодирнинг ўртасида бир сим каравотда бир зўр рустам сифатлик баҳайбат киши ётиби. У ҳам бошига пархут болиш қўйиб, чалқанча бўлиб бетига зар ёпиб, тўрт тарафида тўрт каравот қўйиғлиқ. Байни ҳалиги Шоҳдорнинг ётган асосида¹ бўлиб ётиби. Чодирнинг ичидаги ҳам одамлар бир-бирларига тамба бўлиб ётиби. Каравотнинг тагларида ҳам одамлар ухламоқда.

Мисқол чодир чеккасига отли кириб, тўхтаб турди. Кўрдики, ҳеч киши бедор эмас. Мисқол айтди:— Каравотнинг оёқ ёғидаги Соқибулбулдир, чап ёғидаги Чаққон бекдир, ўнг тарафидаги Ҳасанбекдир, бошидаги ётган Аваз қўзимиздир, ўртадаги хоннинг ўзидир, деб отни каравотнинг тепасига бориб тўхтатди ва бир сўз деди:

Тургин султон қанотингдан қайрилдинг,
Салтанатли олтин тахтдан тайрилдинг,
Оч кўзингни, кўтар бошинг уйқудан,
Меҳнат қилган обод элдағ айрилдинг.

Аҳмад тоғанг йўлдан жавоб тилади,
Сиртқи қўрғон пахсалари қулади,
Бир ишончинг Аскарни қақшатиб
Аскар боланг дор бошида сулади.

Аҳмад аҳмоқ оломонни чақиртиб,
Оломонлар хазинангни талади,
Аҳмад тоғанг от қўйди Чамбилга,
Раста, тимлар кўчаларга қулади.

Қанча мўмин бўлди элда хокисор,
Оломонни тўплади Аҳмад сардор,
Бизни ўлжа, есир қилмоқ қастида
Аҳмад тоғанг қилди қасдни ихтиёр.

Гулбоғ қараб хуруш қилди у Сардор,
Ўққа тутиб яксон қилди Бедиёр,

¹ Ухшаш маъносида.

Бедиёрдан Гулбоғингни ололмай,
Кўчаларда чақиришди жарчилар.

Үрдага тушди Аҳмад белбоғин ечиб,
Қирғин берди кўчаларга қон сочиб,
Хотинларинг Гулбоғ ичида туролмай,
Туркман элига кетди Аҳмаддан қочиб.

Аҳмад борди хотинларни қастида,
Эровуллар пой деволнинг устида,
Дарвозани чим бостириди бек Аҳмад,
Халойиқлар қолди тупроқ остида.

Аҳмад хуруш қилди найзани туйиб,
Хотинларинг бўлди элдан бесоийиб,
Етасанми ғафлат билан уйқуда,
Тургин султон, энди бошни кўтариб.

Улган ўлик тасбиҳдай бўп тизилди,
Хотинларинг юрак-бағри эзилди,
Турмайсанми ётган Чамбилинг хони,
Чамбил туркман вайрон бўлиб бузилди,—

деб Мисқол хонни уйғотди. Гўрўғли бошини кўтарди. Мисқол эгар қошига отнинг тизгинини илиб турди. «Ушла баччағарни» деб хон дап қилди. (Хон) Мисқолни танимаган эди, бетини кўриб таниди. [Мисқол] отдан тушиб, чодирнинг орқасига қараб қочди. Ётган йигитларнинг орасига кириб ётиб олди. Гўрўғли бош тарафидаги Авазга қараб: «тургин»— деди. Аваз ирғиб туриб отасининг олдига келиб турди. Хон Авазга қараб бир сўз деди:

Ҳиммат камарини бойла белингга,
Ҳар на десам файрат келсин дилингга,
Чодирни кейнига ўтгин жон болам,
Ханжарингни ушлаб олгин қўлингга.

Бугун менга аросат кун бўлибди,
Фам савдони худо менга солибди,
Ол ханжаринг ўтгин чодир кейнига,
Энанг лаънати эргашиб келибди.

Ҳарна деса қилгин отанг ишини,
Ҳалоллагин отанг берган ошини,

Тургин болам, мен буюрсам қил хизмат,
Бул номуссиз әнанг шуйга¹ келибди.

Қўшинга келтирмас хотин кишини,
Басталикка солар эрнинг ишини,
Тур ўрнингдан ўтгин чодир кейнига,
Кесиб келгин лаънатининг бошини.

Хотин киши лашкар ичра келарми,
Хотин ҳам баччағардай бўларми,
Тургин болам, олиб келгин калласин,
Номус қилмай бизни излаб келарми?

Аваз бир сўз деди:

Сабр қилинг, бош кесарим қолмайди,
Куни битган ҳаргиз ўлмай қолмайди.
Олиб келай, ҳаққат² қилиб гап сўранг,
Энам шўрлик тегинликка келмайди.

Энамни ўйлаб банди-бўғним бўшади,
Үлдир десанг тани жоним қақшади,
Олиб келай ҳаққат қилиб гап сўранг,
Чамбил эллар бузилганга ўхшайди.

Аваз бул сўз айтиб хонни тўхтатди,
Чиқиб боргони орқасига ўтди,
Меҳрибоним қайдасан деб чақирди,
Мисқолойим ётган жойидан турди,
Кулоч ёзиб Авазхонга югурди,
Жон болам деб нола тортиб оҳ урди..

Ётган лашкар уйғонмади товшига,
Қўкраги ҳўл бўлди кўзин ёшига.
Етиб келди Авазхоннинг қошига,
Икки қўлин солди Аваз бўйнига,
Аваз бошин маҳкам босди тўшига.

Йиғлади иккови бағрини доғлаб,
Эна-бала бирга кейнида йиғлаб,
Ўтган ишни бир-бир баён айлади,
Авазхоннинг бошин маҳкам қуchoқлаб.

¹ Шу ерга.

² Ҳақиқат.

Оққан терлар сув бўлади сочидаң,
Ҳасратини айтиб ечди ичидан,
Авазхонни огоҳ қилди бу сўздан
Ечиб берди арзани бўғичидан.

Аваз ҳам йиглади кўзини ёшлаб,
Олди ул арзани қўлига ушлаб,
Кириб борди, отасининг олдига,
Кўзин ёшлаб меҳрибонини бошлаб.

Аваз хатни ушлаб боргоҳга кирди,
Энасини орқасига обтурди,
Хатни ўқиб хонга уни билдириди,
Кўзин ёшлаб хон Гўрўғли оҳ урди.

Мисқолойнинг гуноҳини кечирди,
«Бери келгин суярим» деб чақирди,
Мисқол бошин энгаштириб йиглади,
Йиглама деб пешонасин силади.

Гўрўғли Авазхонга қараб айтди:

— Э жигаргўшам, нуридийдам, кўрап кўзим, суяр қўзим. Ул чўлистанда Аҳмад тоғамни қайтарда феълиниг бузилганини билувдим. Худога солган эдим, нима кори-зорларни қилибди. Мажнункўк отни келтиргин, энангни олиб тезлик билан жўнагин. Энангниг келганини бу лашкардан бирор киши билмасин. Агар Чамбилининг бундай бўлганини билса лашкарнинг бели бўшаб, ҳар тарафга тарқаб кетади. Мен Саройга етти ойлик йўл азобини тортиб келдим.

Ё Шоҳдор ўлмай, ё Саройни олмай, ё Шоҳдорни рост йўлга солмай бормайман. Сен энангни бошлаб кетгин. Соғ-саломат Чамбилга етгин. Сени кўрса Аҳмадниг олти минг лашкари ҳар тарафга тарқалиб кетади. Аҳмад тоғам дучор келса, юзига совуқ сўз қилсанг сендей боламдан рози эмасман. Нима қиласай, Аҳмаддан бўлак яқинроқ қариндошим йўқдир. Қизил эт вақтимда, гўдаклигимдан боқиб катта қилган. Мен берган тузини худо учун риоясини қилдим. Бул ишлар Аҳмаддан эмас, тақдирдандир. Бир киши сенга ёмонлик қилса, сен унга яхшилик қилгин. Ўзи уялиб қолар. Икки ёмон бир бўлса, ёмонга ёмонлик қилсанг ўрта хунга тўлар. Чамбилга кириб, юрт-элини йигиб халқ-фуқароларни чақир. Ўрдада турган амалдорлар бошлиқ ўлган ўликларни тупроқ остидан олиб, даштга дағн қилинглар,

бузилган девол — рахналарни аввалгидай қилиб уринглар, кўчаларни сув қўйиб ювинглар. Шаҳарни фисқу-фужурдан халос қилинглар, ўлганларга оби-ош қилинглар, боргил,— деб Аваз билан Мисқолни жўнатди. Иккови йўлда кетаверсин, эндиги сўзни Чамбидан эшигинг.

Аҳмад олти минг йигитларни бошлаб Гулбоққа қараб от қўярди, Бедиёр ўқни отар эди. Ўққа боролмай Аҳмад лашкари билан қайтарди. Ҳар олти кунда хуруш қилиб қўяверди. Бедиёр уни дарвозага боргизмас эди. Ахир Бедиёр зерикди. Аҳмадга киши чиқарди:

— Эй беақл, қўясанми қўймайсанми, нима мақсадинг бор?— деди. Аҳмад:— Хотинларни чиқариб бер. Гулбоғ ичида ўлиб гўристон бўлсанг ҳам гўрингга дуо қилмоққа ор қиласман, сенинг билан ишим йўқ,— деди.

Бедиёр айтди:— Хотинларнинг туркманга кетганига ўттиз кундан ошиқроқ бўлди. Ўша ёқдан топиб, мени ўз ҳолимга қўйгин,— деди. Аҳмад бу сўзни эшитиб хурсанд бўлди. Аҳмад Сардор ўзи туркманлик эди, уйижойи ҳам, бола-чақалари ҳам туркманда эди. Мол-мулк учун Чамбил, хон ўрдасида давр сурин юради. Олти минг йигитни бошлаб хотинларнинг орқасидан туркманга қараб жўнади. Бу хабар туркманга етди, туркманда сўз бўлди. Аҳмад Сардор олти минг йигити билан келлаётганиши деб туркманни катталаридан бир минг киши дастурхон кўтаришиб, Аҳмаднинг йўлига мунализир турди. Аҳмад олти минг йигити билан етиб борди. Унга катталар пиёда пешвоз чиқишиди. Аҳмад яқин етди. Кўрдики, ўз юртининг катталари пиёда йўлига чиқиб турибди. Аҳмад ҳам яқинроқ бориб, отидан тушди, улар билан кўришиди. Ўша адир устига лашкарни ҳам туширди, олдиларига дастурхон солди, бир-бирлари билан ҳол-аҳвол сўрашди. Бола-чақа, мол-жон омонми, деб пеш-пеш дастурхон келаверди. Тамом лашкарни овқатга сероб қилди. Олдидан дастурхон олинмай туриб, Аҳмад туркман катталарига сўз очди:

— Э туркманимнинг катталари! Мен бу туркманга иззат-икром, емак-ичмак учун келганим йўқ. Сизларнинг қўлларингда Гўрўғлининг заифалари бор экан. Менинг олдимга чиқариб берсаларинг, элни бесар қилмай шу ердан қайтсам, деди. Булар ичида Дониёр отли туркман элининг сўзамоли бор эди. Ақли расо доношиши эди. Аҳмаднинг сўзини эшитиб, у туркман улуғлари Дониёрга қаради. Дониёр айтди:

— Эй Аҳмад, ўлмаган кишининг хотинига хостгор-

лик¹ қилиш қайси қабилада бордир. Гўрўғли Сарой кетган, ўлик-тирик хабари йўқ. Хондан бирор хабар келсин. Бундан кейин хотини, мулки, ҳукумати сенини. Сенга Гўрўғлидан яқинроқ киши йўқдир. Нима қилсанг қилгин. Бизнинг қўлимизда Гўрўғлининг хотинлари бордир. Бошимиз саломат экан, сенинг олдингга солиб юбормасмиз. Гўрўғли саломат келса қайси кўз, қайси юз билан уни кўргани борамиз: Хон — неча йил сизларга соҳиб бўлдим, қайсингизга бебош, жабру-ситам қилдим. Ўзларингиздан чиқкан Аҳмадбекка юзи хотир топмаган эканман, менинг хотиримни қилмай, хотинларимни Аҳмадга тутиб берибсизлар,— деса нима дермиз. Хонга тирик шарманда бўлганча ўлиб қолганимиз яхши. Сабр қилгин, хон саломат келса сенинг бу қилган гуноҳларингни хондан тилаб олармиз. Қўрқмагин, бу ишни сен қилдинг, ҳеч қим қилган эмас. Чамбилни буздинг, қанча мўминларни тупроқ остига қўйдинг. Бу халойиқларнинг қони сени ер юзида тирик қўймас. Қирқ кун қарагин, Гўрўғли саломат келиб қолса, туркманлик сени қутқариб қолади. Қирқ кунгача қўймасанг, аввал Туркманни ўлдириб, ундан кейин Гўрўғлининг хотинларини нима қилсанг қил. То туркманни бош кесмасанг, қирқ кунга фурсат қўймасанг олиб кетолмайсан, деди. Дониёрнинг сўзи Аҳмадга жуда қаттиқ ботди. Азбаройн ўз юрти улуғларининг риоясини қилди.

— Хўп, сизларнинг ҳам сўзларингга кирай, қирқ кунгача қарай,— деб, ўша адир устида лашкари билан тушиб ётди. Туркманнинг умиди, Мисқолни Сарой кетганидан эди. Қирқ кунгача шояд бир хабар келиб қолса, деб булар умидда ишни кейинга сурган эди. Туркманлар Аҳмадни олти минг чирки² билан қирқ кунгача боқиб ётди. Қирқ кун ҳам ўтди, Мисқолдан дарак бўлмади. Аҳмад тағин киши киргизди. Туркман улуғлари хотинларни тўплаб, ҳайдаб олиб чиқди. Хотинларга арз қилди:— Э заифалар, пешоналарингда кўргуликларинг бор экан. Қирқ кунга Аҳмаддан муҳлат тилаб, хондан Мисқол бир хабар келтирар деб умид қилдик. Қирқ кун бўлди, Хондан ҳам, Мисқолдан ҳам хабар бўлмади, энди бу золим билан баробар бўлолмаймиз. Бизда ёвяроқ йўқдир, олти минг йигити билан тепамизга келиб турибди. Сизларни шунга кўрсатмасак бўлмади. Энди

¹ Совчилик.

² Лашкари.

хон келса, саломат хонни кўрсаларинг туркманларнинг қилиган ишини, Аҳмаднинг бу ҳангамасини хонга айтарсизлар. Туркманни яхши қилиб кўрсатсаларинг ҳам, ёмон қилиб кўрсатсаларинг ҳам ўзларинг биласизлар. Билинглар, фуқарода қувват йўқ, туркманни хонга оқлағувчи сизлар.

Энди биздан хафа бўлманглар,— деб туркманнинг катталари хотинларга узр айтиб, буларни ҳайдаб, олиб келаверди. Олиб келиб Аҳмаднинг қўлига топширди. Аҳмад қўшинини Чамбилга қараб жўнатди. Хотинларни лашкардан кейинроқ олиб юрди. Хотинлар пиёда, Аҳмад отлиқ, ўзи ёлғиз хотинларни ўртасига кириб олди. Хотинларнинг бетида ниқоб бор эди, юзини кўролмасди. Юриб бораётган хотинларнинг орқасидан бўксасига назар солар эди. Буниси Юнус паримикан, буниси Мисқол паримикан деб борарди, таниёлмас эди. Гўрўғли доно киши эди. Туркманни чўлида, Чамбилнинг йўлида Ўрта бел·деган бир адир бор эди. Ул адирнинг усти текислик эди. Оти ариқ, пиёда киши узук¹ йўлда бўрига ем бўлиб қолмасин, ўтган-кетган ётиб турар деб, Гўрўғлихон ўша адирни устига бир қўргон қилдириб, дарвоза қуриб қўйган эди. Намозгарда у ерга етиб бориб, шу қўргонга хотинларни киргизди. Қўшинни қўргондан ўтказиб туширди. Аскарга обиовқатни едириб, ҳаммаларини уйқуга киргизди. Аҳмад ўрнидан туриб Оға Юнус парининг қўйнига кираман деб, қўргонга келди. Бу қўргонда ётгани палос йўқ эди. Хотинлар ётолмай чўпи-чўпчакларни тўплаб, ўт ёқиб ўтнинг атрофини айланиб ўтиришди. Ниқобларини белидан олиб, тиззаларига қўйиб эртан Чамбилга борсак, аҳволимиз нима бўлар экан, деб йиғлашиб ўтирган эди. Оға Юнус нариги тарафда дарвозага юзи тўғри бўлиб ўтирган эди. Аҳмад дарвозанинг дарзидан қаради. Оға Юнуснинг юзини кўрди, қўлидан туз ичган эди, андек юраги тўхтади. Ким ёмонлик билан муродига стгай, шу ердан бир гап қилиб кўргай, гапини рамзидан билай, яхшиликча тегармикан ёки зулм қилиб оламикан, деб Аҳмад бир сўз деди:

Мен қиласман дарвозада охивой,
Сени менга қўшармикан бир худой,
Мен қўйнингга кирмак учун келувдим,
Юзинг кўриб қараб қолдим Юнусой.

¹ Узоқ.

Амир кетди менга қолди Чамбилинг,
Бўйнингга чирмалса ёёсам кокилинг,
Қўйнингга кирмак қостида келувдим,
Яхшиликча борми менга кўнглинг?

Муддаонгни билиб сўзла кўнглингга,
Кирмакни қостида келдим қўйнингга
Яхшиликча тегармисан Юнусой?
Тегмасанг зулфин соларман бўйнингга.

Бунда Оға Юнус Аҳмадга қараб бир сўз деди:

Нима бўлди хон тоғаси бек Аҳмад,
Сарой кетган юрт эгаси бадавлат,
Амир ўлса қелар бизга белги, хат,
Есир бўлсан, сизга тегмоғим суннат.

Хабар келсин ўлган бўлса гулимдан,
Хон фироғин унутайин дилимдан,
Ҳарна бўлса қилинг, тоға қаноат,
Есир бўлсан, илож келмас қўлимдан.

Хитоб айлаб, зулм қилдингиз мингча,
Сабр қилинг хондан хабар келгунча,
Қўймасангиз эрта олинг никоҳлаб,
Феълингиздан қайтинг, тоға, бугунча.

Хоннинг ишқи алам ўти кўнгилда,
Бедаргоҳ бўп йўллар юрдим бу чўлда,
Бунча бизга зулм қилдинг, бек тоға,
Ёмонликдан қайтинг, тоға, бу йўлда.

Гўрўғлини яхшилигин билайин,
Шу бугунча мотамини қилайин,
Ҳарна бўлса, қайтинг, тоға, бу йўлдан,
Эртан Чамбил бориб қабул қилайин.—

деб Оға Юнус бу сўзни айтди. Аҳмад айтди. «Бугун нима, эрта нима, эртага ваъда берди. Эрта нима деб важ қилар экан», деб қайтиб кетди, лашкарига етди. У кун тонг отди. Аҳмад қўшинни жўнатди. Қўшин илтари, Аҳмад кейин хотинларни ҳайдаб жўнайверди. Кун пешин бўлди. Аҳмад қўшини дарвозаи Чамбилга етди. Хотинларнинг борар йўли бир чақирим қолди. Хотинлар бирдан ниқобларини олиб ерга урди. Худоё омонат

жонингни олгин, бу золимдан қутулайлик, деб йиғлашди. Хотинлар яланғоч бўлиб, кокилларини ҳар тарафга паришон қилди. Оға Юнус ҳам шу нобакорга гирифтор бўлмайин деб, йиғлар эди. Аҳмад аччиқланди.

— Э гесубурида,— деб қиличини филофидан суғурди: Отига дап бериб «мен бединми, мендан бунча ҳазар қиласан, бир йўли сени ўлдириб қутулай», деб қиличини Оға Юнуснинг бошига яланғочлаб олиб бориб турди. Оға Юнус Аҳмаднинг юзига қараб йиғлаб турди. Оға Юнуснинг кўзи Асқар тоққа тушди. Арчаларнинг орасида қалдирғочдай икки қора нарса зирқираб келаверди. Оға Юнус яна-яна қаради. Бунда Аҳмадга қараб Оға Юнус бир сўз деди:

Худога ёзмади менинг қилмишим,
Бир оллога етди менинг нолишим,
Суйинчи бер хон тоғаси, ўйнашим,
Келаяпти Сарой кетган кундошим.

Сени менга тақдир қилмади худой,
Жоним азобида қилмадим гуной,
Бер суйинчи, хон тоғаси бек Аҳмад,
Келаяпти Сарой кетган Мисқолой.

Тоғнинг гулин даста-даста терганим,
Хоннинг давлатига кўнгил берганим,
Келаяпти хабар олиб султондан
Кундошим, синглимдан ортиқ кўрганим.

Олтин тоққа оёқ тенглаб босганим,
Меҳнат қилиб Аҳмад баҳтина тўсганим,
Бер суйинчи, хон тоғаси, суйинчи
Келаяпти бир ўрдада ўсганим!

Узилмади бўйнимдаги садорим,
Қўлга тегди менинг ёву яроғим,
Бергин, тоға, тезроқ менга суйинчи,
Ярқираб келади Аваз чироғим.

Ҳасратингда йўлда тортдим кўп алам,
Жойинг бўлсин, тоға, дўзах, жаҳаннам,

Бер суйинчи менга Аҳмадбек тоға,
Келаяпти юртим эгаси болам.

Қўшилмади сенга тақдир юлдузим,
Қўр қилсан оши нон, таги-да тузим,
Бер суйинчи келаяпти Саройдан
Юртимнинг соҳиби бол Аваз қўзим —

деб Аҳмадга Юнус ойим Мисқол билан Авазни кўр-
сатди.

Аҳмад қараб кўзи тепага битди,
Аҳмад келди, улар югурди кетди,
Хотинлар ҳаммаси қўрғонга етди,
Дарвозадан кириб олиб барчаси,
Ул эшикни қиялашиб кўз тутди.

Аҳмад қолди турган ерида қараб,
Соқолидан ёши оқди тирқираб.
Қилган иши асқатмади¹ ўзига.

Армон билан ёш йигилди кўзига,
Хайрон бўлиб қолди туркман сардори,
Аваз билан Мисқол келди от чопиб,
Мисқол ойим бол Аваздан илгари.

Ким раҳм этар кўздан оққан ёшига,
Пушмон қилди Аҳмад қилган ишига.
Қиласи ишми қилиб қўйдим ўзим деб,
Тушиб борди отдан Мисқол қошига.
Ёқасидан олди отнинг тўшига,
Қаҳрланиб ўмгайлатиб отига,
Мисқол қамчи солди Аҳмад бошига.

Уч қамчи бошига урди Аҳмаднинг,
Ўмгаллатиб от остига ағнатди,
Қамчи босиб устидан от иргитди,
От қўйиб у кундошларига етди.

Мисқол борди, парилар эшик очди,
Дарвозадан кириб отидан тушди,
Паризодлар фарёд айлаб югуришди,
Қучоқлашиб, қайта-қайта кўришди.

Султон эсонлигидан берди хабар,
Қучоқлашиб хўп кўришди парилар,

¹ Фойда бермади.

Қўл кўтариб дуо қўлди ҳаммаси,
Саломат келсин деб дуо қўлди муштипар.

Қим боқади Аҳмаднинг аҳволига,
Беобрўйлик солди нафси кунига,
Бу гуноҳни ҳарна қилсан қилдим деб
Йиғлаб борди Авазхоннинг йўлига.

Авазга қараб бир сўз деди:

Оlamга машҳурдир, болам, шуҳратинг,
Кундан-кунга кам бўлмасин давлатинг,
Тоғаңг қилди ақли озган гуноҳни,
Хон олдида элдан ортиқ ҳурматинг.

Ўлмагин, болам, ҳаргиз илоҳим,
Аввал худо — сенсан менинг паноҳим,
Соф-саломат келса Саройдан,
Тилаб олгин қийин бўлди гуноҳим,—

деб Авазга бу сўзни айтди. Бир вақтда Аҳмадбек Бўта қизини Аваз қулга бермайман, деб борган совчига шу сўзни айтган эди. Аваз бу сўзни эшишиб, «қўллигим ҳеч кетмас экан, кишининг юрти бўлмас экан». деб аразлаб Хунхор юртига кетиб қолган эди. Шу яна қайтиб эди. Уша гап Аҳмаднинг бу сўзидан кейин Авазнинг эсига тушди. Отаси ёмон гапирмагин деган эди. Аҳмадга қараб бир сўз деди:

Шайтондай озғириб тўсманг йўлимдан,
Тўрт ёшимда қул келганман элимдан,
Оташ ўтин ёндиrmагин дилимдан,
Одам тилаш келмас менинг қўлимдан.

Ўз йўлимга юрсам доим эркаман,
Қирқ йигитга йўл бошлаган саркаман,
Қулга чикора гуноҳкорни тиламак —
Хон олдида сўзламакка қўрқаман.

Хизмат қилсан хоннинг жони-дилиман,
Гуржистонда Булдур қассоб улиман,
Тилаёлмайман гуноҳинг, бек тоға,
Танирмисиз, Гўрўғлиниг қулиман,—

деб Аваз ўтиб кета берди. Бу ҳам қала қўргонга етди, дарвозадан кириб борди. Отидан тушди, паризодлар ҳаммаси Авазни қучоқлаб кўришди. Отамни саломат

кўрасизлар, ҳаммаларингга салом айтди. Сизлар ҳам отамни саломат келишини тилаб дуода бўлинглар, деб хотинларни дилжам қилди. Ногоҳ кўзи дорда турган Аскарга тушди. Вой жигаргўшам, деб Аскар осилган дорни қучоқлаб, кўп йиғлади. Дор остида ётган ўлган ўликларни кўриб кўп афсус қилди. Энаси:— Энди йиғлама, қўй,— деб Авазни отига миндирди. Аваз илгари, хотинлар кейин шаҳарга кириб бораверди. «Ҳай ноинсоғ», деб Аҳмадга ҳафсана айтиб борар эдӣ. Бундан раста, тимларга етди. Бозор бошини бузилмаган, кўймаган жойи қолмабди. Растандан чиқди. Аваз кўрдики, Бедиёрнинг ўқи ҳали ҳам отилиб турибди.

Деворда турган эровул дарвоза бошидан хотиилар билан келаётгай Авазни таниди. Бедиёрга хабар берди. Бедиёр девор устида, Аваз пастида бир-бирлари билан юз кўришди. Бедиёр «отам, ёри дўстлар, каттаю кичиклар саломатми?» деб сўради:— Эсондир, эшикни очгил,— деди. Эналарим кўчада қолмасин, Гулбоққа киргизай, ўрдага бориб, қолган улуғларни кўрай, ким бор, ким йўқ. Чамбил халойиқларини чақириб, тупроқ остида қолганларни даштга ташитиб кўмдирайлик, бузилган раҳналарни, деворларни тузатайлик, кўчаларни тозалатиб, Аскарни дордан олиб келиб, буни ҳам лаҳадга қўяйлик. Биродарзодангни кўрдингми,— деди (Бедиёрга). Бедиёр йиғлади:— Нима қилай, оғамни десам отамни дерман, тайинлаган омонатини бузолмай турибман, эшикни очолмайман,— деди. Отам менга қасам берган, мендан бўлак кишига очиб берсанг розимасман деб. Отам қиёмат куни менинг шартимни буздинг деб мендан ҳақ даъво қилса, кафил бўлиб ажратиб олсанг, эшикни очарман,— деди. Аваз:— Балли, ҳар кимнинг ғуломи хўжасига шундай хизмат қилсин, хўжаси билсин. Отам саломат келсин, юзини кўриб, эшик очишингни худо сенга насиб қилсин, Бедиёр сендан икки дунёда отам ҳам, мен ҳам миннатдормиз,— деб Аваз орқасига қайтиб, ўртадаги тўпчилар турадиган ўрдага эналарига жой қилиб берди. Аваз қайтиб, шаҳарга борди, ўрдага кирди. Ўтирган жумла умароларни саломат кўрди. Мирзабоши, жиговулбоши, тимқаторлар, қози Мансур — ҳаммалари бол Аваз билан кўришди. Оламни фисқу-фужур босибди, ўликлар сасибди, бундай бепарво ўтирасизлар,— деди Аваз. Қози Мансур айтди:

— Эй фарзанд, бизда нима қувват бор, хон кетди, биздан ҳам ақл кетди. Кўрдингми, бу нима ишлар

қилди, нима қилса тоғанг қилди. Биз ҳам бир ўликдирмиз,— деди. Бу халойиқларнинг нобуд бўлганини эшишиб, жумлаи улуғлар ҳам йиглашди. Ўрда беклари буюрди, халойиқни йигди. Тирик қолганлар ўлганларни тупроқ остидан очиб, ташиб олиб чиқиб, ҳаммасини кўмиб тамом қилди. Дорда турган Аскарни, ҳамроҳларини, ички-ташқида Аҳмад ҳайдаб ўлдирган ўликларни кўмдириб, тамом қилди. Буларнинг ҳақига оби-ош қилиб, фариб-мискинларга едириб-ичирди, Аваз ўрдада катта-кичиклар билан турди. Аваз у ерда тура турсин, эндиғи гапни Аҳмад Сардордан эшитинг.

У туркманга қараб кетди. Уйига бориб ўтовининг бир бурчига кийгизлардан тўсиб қоронғи хона — ётоқ қилиб олди. Хотин, бола-чақаларига:

— Менинг келганимни, туркманинг улуғлари эшишиб кўргани келса, озор беради, одам сўймас касалга гирифтор бўлган,— деб қайтаринглар, деди. Аҳмад ёта-верди. Эндиғи сўзни Гўрӯғлихондан эшитинг.

Мисқол билан Аваз борганда уларни Гўрӯғли қайтарди. Элчилик хат ёзиб Ётибойни Шоҳдорга юборди. Шоҳдорнинг олдига Ётибой у номани кўтариб борди. Шоҳдор, ўқиб кўрди:— «Эй Шоҳдор, мен Гўрӯғлиман. Етти ойлик йўлдан, Чамбил элдан сенинг жонингнинг фойдаси учун келдим. Чибиндай жонингни оташга куйдирмагин. Қелган йўлимдан бир қадам ўтмай қайтиб юртимга кетаман. Дуойи салом вассалом». Бу сўздан Шоҳдор аччиғланди. Бу беақл мендан ҳеч ибо қилмай бу сўзни айтадими, бунинг ажали етиб келгандир бу ерга. Бу ажал ҳайдаганинг жазосини берай,— деб лашкарини минади¹. Шоҳдор бошлиқ ети ҳоким лашкарини олиб биёбонга келди. Биёбон лашкарга тўлди. Шоҳдорнинг бу лашкарини кўриб, Гўрӯғли лашкарларининг бели бўшади, тарқаб кетишни ихтиёр қилди. Гўрӯғли лашкарларининг қўрқанлигини биллиб:— Эй болаларим, Шоҳдор лашкарига назар қилманглар, худо сақласа ҳеч гап йўқ,— деб аскарларига дадиллик берди. Ётибой Шоҳдорнинг олдидан қайтиб келди. Ётибойга уч минг, Ҳасанга уч минг, Соқига уч минг, Чаққонга иккى минг лашкар берди. Бир минг лашкар ўзи билан бўлди. У аскарни чўлистоңга қатор қилиб тарқатди. Биёбон лашкарга тўлди. Шоҳдорнинг лашкаридан зиёда бўлди. Гўрӯғли болаларига қараб бир сўз деди:

¹ Хабар қилиш, эшиттириш маъносида.

Бу душманга от қўйган,
Қайтмай от қўй Ётибой.
От қўй душман устига
Найза ушлаб Ҳасанхон.

Қўлда ёву яроғим,
Тагимда бор пироғим,
От қўйинглар душманга,
Чу де, Соқи чироғим.

Отанг Гўрўғли султон,
Худо бизга меҳрибон,
Мададкорим қирқ чилтон,
От қўй қўзим, бек Чаққон.

Гўрўғли дер менинг ўзим,
Ўлсам ўчар юлдузим,
Сиз у ёқдан, мен бу ёқдан,
От қўйинглар ботир қўзим.

Тўрўғлихон от қўйди,
Мисли яшин учгандай,
Шоҳдор у ёқдан от қўйди,
Шамолга булут кўчгандай.

Гўрўғлихон ёвга кирди,
Ўнгу сўлга қилич урди.
На олдидан, на орқадан,
Кимки келса ўлдирди.

Қайтманглар деб қийқириб,
Гўрўғлихон ёвга тушди.
Ярқиллатар қўлидаги
Пўпакли найза қиличди(ни).

Ўлик деган тамба-тамба
Қоғоздаги алифдай,
Бир-бирига аймашди.

Тагидаги бедов отлар,
Майдон ичра қонни кечди.
Эгаси ўлган бедов отлар,
Далага бесойиб қочди.

Уч кечаю, уч кундуз,
Аралашиб урушди.

Сұлқиллаган найзалар,
Санчилди майдон ичида.

Олмос, қилич байзалар¹,
Чопилди майдон ичида.
Ажал юрди ахтариб
Куни битган бандалар,
Тайрилди майдон ичида.
Мошпаран² қора милтиқлар,
Сочилди майдон ичида.
Амалдор тутган байроқлар,
Иикىлди майдон ичида.
Қараганлар ёмғирдай,
Түкилди майдон ичида.
Ажал бозори қизиди,
Куни битган бу жонлар,
Сотилди майдон ичида.
Лобар³ қўлда карнайлар,
Тортилди майдон ичида.
Тўпчи қўлда замбараклар,
Гуркирашиб ларза бериб
Отилди майдон ичида.
Менман деган баҳодирлар,
Ииқилди майдон ичида.
Гўрўғли қилди хурушни,
Уч кечаю уч кундуз.
Тинмай қаттиқ урушди.
Чанқаб султон Гўрўғли,
Оғзига сифмас тиллари.
Ахтарди доим Гўрўғли,
Уч кечаю уч кундуз
Кўринмас битта боллари,
Оҳ тортиб хон амир,
Ёш олиб юрди кўзига,
Олиб бўпти лашкар деб,
Улимни кўрди ўзига.
Урушда юриб Гўрўғли
Кўзидан ёши чизилди,
Мен ўларман бугун деб
Жонидан умид узилди.
Оҳ тортиб майдонда,

¹ Икки ёқлама кесадиган пичноқ.

² Пилта тутадиган сочма милтиқ.

³ Карнайчилар.

Ўзини отдан ташлади.
Қора ерни қучоқлаб
Худо деб кўзин ёшлади.
Ётган жойидан турди.
Иргиб минди бўз Фирни,
У лашкардан ташқари,

Оқ тув тутган беадат,
Қанча лашкарни кўрди
Ул лашкарлар сурилиб,
Ўзин лашкарга урди.

Хон Гўрўғли ёлбориб,
Ул келғанларни кўрди.
Хонни дили сирилиб,
Отнинг бошини буриб,

Шоҳдор тарафга юрди.
Шоҳдор жони амалдор,
Лашкарларига борди.
Етиб бориб Гўрўғли,

Аламдорга тиф урди.
Дам ўтмасдан майдонда,
Етти аламни ағдарди.
Ҳар тарафдан тирандоз.

Гўрўғли ўқ отди.
Хон Гўрўғли истади,
Топмас эди болларин
Жанг ичидаги ахтариб.
Ҳар тавакқал сенга деб,
Лашкари душманга урди.
Баланд ердан Шоҳдоршоҳ
Хон Гўрўғлини кўрди.
Қўлга тувни ушлади,
Филдан ўзин ташлади,
Лашкарларни Шоҳдоршоҳ
«Дам ғанимат, юринг» деб —
Сарой элига бошлади.
«Шоҳдор подшо, тўхта» деб
Гўрўғлихон қийқирди.
Бул овозни эшишиб,
Оломон деб чақирди.
Орқасидан Гўрўғли,

Юриб Саройга кирди.
Йигитлари орқадан,
Гўрўғлига эргашди.
Хонига етиб борди,
Олти кеча-кундузда.
Шоҳдор жойига кирди,
Йигит лашкарин олиб,
Султон бориб ўтириди.

Бунда Шоҳдор етти ҳокимни олиб, Ойхумор номли қизини олдига солиб Гўрўғлининг қошига таъзим билан кириб келди. Шоҳдор келишини кўриб, Гўрўғли хушвақт бўлиб ўрнидан туриб у билан қўришди. Шоҳдор келишдан илгари бир киши Гўрўғлига:— Шоҳдор Ойхумор қизини сизга тортув қилиб ярашмакка келмоқчи бўлди,— деган эди. Шоҳдорнинг ўнгу-сўлида Гўрўғлининг қирқ йигити айланиб турар эди. Шоҳдорга жой тайин қилди, Шоҳдор ўтирмади.

— Мен сизга байъат¹ қиягани келдим... Сиздан қўрқмас эдим... Кўп лашкар келиб мени лашкаримни йиқитди. Яна бизга бир кастик ёрдам берди. Яна чиқиб биёбонга етди. Лашкар келиб-кетгунча кўзим шуларда эди. Бир баланд ерда қараб турар эдим. Бундан кейин сиз уч кун жанг қилдингиз, менинг лашкаримни босиб, аламимни тагига келдингиз. Сизни кўриб фил устидан тушдим, шаҳаримга қараб жўнадим. Улуғларимга келиб маслаҳат қилдим... Кенгашгўйларимнинг сўзи билан бўйисуниб келдим,— деди. Гўрўғли яна ўрнидан туриб, Шоҳдор билан бошқатдан қўришди, қўлидан ушлаб уни ўз тахтига ўтказди. Шоҳдордан байъат сўради. Етти ҳоким Шоҳдор бошлиқ ўрдада турган жумлаи умаролари, каттаю кичиклари бўйинсунди. Гўрўғлини яхши меҳмон қилди. Саройдан кетмак учун Гўрўғли лашкарини тўплади. Борини топди, йўғини топмади, отланиб жўнади. Шоҳдор қизи Ойхуморга яхши отни ясад миндирди. Минг отга қимматбаҳо либослар, ипак, яхши палослар, қанча зар — дунёлар ортиб, бир минг отнинг устига юкини боғлаб, Шоҳдор умаро — амалдорлари билан отланиб, юк ортган отларни ҳайдатиб Саройдан дашти-далага чиқди. Шоҳдор Гўрўғлига:— Қайтинг, бу мамлакатни сизга топширдим,— деди. Шоҳдорхон бир минг юк ортган отларни, Ойхуморни сизга тухфа қилдим, деди. Гўр-

¹ Бўйинсунмоқ.

ўғли Шоҳдордан хушвақт бўлиб, йигитларига бирминг юкли отни ҳайдатиб, Ойхуморни ҳам ўзи билан олиб жўнади. Шоҳдор Саройга қайтиб кетди. Гўрўғли Ойхуморни Бедиёр боламга лойик тухфа топилди, деб хушвақт бўлди. Ўн кечаю кундуз йўл юрди. Хунхор тоғига келди. Лашкарни у ерга туширди, овқатга ҳаракат қилди. Овқат тайёр бўлгунча лашкарини ҳисоб қилди. Шоҳдорнинг олти кунлик жангидага икки мингдан зиёдроқ кишиси ўлган экан. У куни ётиб, лашкарга ором берди. Тонг отди, Шоҳдор берган бир минг отни ҳайдаб, Гўрўғлихон жўнади. Етти кун деганда Асқар тоққа етиб келди, Асқар тоғдан Соқини хушхабарга юборди. Фуқаролар эшитиб, Ўрда амалдорлари Чамбидан чиқиб хоннинг йўлига қараб турди.

Султон хабар берди Чамбил элига,
Ўрда беги ҳам Авазхон улига,
Қатта-кичик амалдори, фуқаро,
Чиқиб келди Гўрўғлининг йўлига.

Барча халқи чиқди хоннинг қошидан,
Амир хурсанд бўлди юртин ишидан,
Сарой элдан олиб келган барини,
Тани кимхоб ташлаб борди бошидан.

Халойиқлар қўлма-қўл қиб улашиб,
Кийгизарди бир-бирини ясатиб,
Амир Султон яна тилла, зарларни,
Сочиб борди фуқарога талатиб.

Шаҳар кириб, амир ўрдага етди,
Олиб келган бор бисотин тугатди,
Отдан тушиб амир ўрдага кирди,
Амалдори, катта-кичикни кўрди.

Султон чиқиб ўз ўрнида ўтирди,
Худо жаннат берар ўғлим Соқига.
Ҳам кийимдан, пулдан сероб бўлди оломон,
Ҳамма дуо қилди хоннинг ҳақига.

Амир яна турган ўрнидан турди,
Яна Соқи бўз Фиротни келтирди.
Гўрўғлихон қайтиб минди бўз Фирни,
Отга миниб чорсу бозорга юрди.

Тимдан ўтиб етди раста қошига,
Қулоқ солди Гўрўғлиниңг товшига,
Етиб борди дарвозага тождор,
Дарвозани очиб чиқди Бедиёр:

Фарзандим деб амир қилди товушни,
Эшитиб Бедиёр эшикни очди,
Бедиёрни кўриб отидан тушди.
Фигон қилиб етиб келди Бедиёр.

Отасиман йиғлаб туриб кўриши.
Хонни оёғига қўйди бошини,
Кўздан тўкиб йиғлайверди ёшини,
Ётган ердан турғизди Бедиёрни,

Айтиб берди Аҳмадбекнинг ишини.
«Майлига» деб бирга ўрдага кирди.
Бедиёрни қўлидан ушлаб йўл юрди,
Ота-бала бирга Гулбоққа қирди.

Ундан ўтиб хотинларини кўрди.
Хотинлари ҳаммаси тенг югурди,
Одам ўлган киши сифат ҳайқирди.
«Йиғламанг» деб хон қилди сиёсат,

Бориб ўз жойига қўнди бадавлат,
«Йиғламанг» деб секин қилди насиҳат,
«Қилинглар» деб айтди унга қаноат.
Бирпасгина султон кириб ўтирди.

Ул ўрдадан чиқиб Гулбоққа қирди,
Ота-бала етаклашиб йўл юрди.
Хонни бошлаб дарвозага келтирди.

Амир отли, Бедиёр бўлди пиёда,
Ота-бала келиб шаҳарга юрди,
Амир етиб, тушиб ўрдага кирди
Муншию мирзаларни чақирди.

Сўзамолдан ўн кишини саралаб,
Туркман элга, Аҳмадбекка юборди.
Ўн сўзамол гала туркманга борди,
Отдан тушиб Аҳмад олдига кирди.

Аҳмад билиб ётган ёрда оҳ урди,
«Қасалман» деб зўрга ўрнидан турди,

«Гўрўғлихон гуноҳингни кечди» деб
Сўзамоллар Аҳмад кўнглин кўтарди.

Олиб келди Аҳмадбекка бир отни,
Аҳмадбекни бошлаб бари йўл тортди.
Бевақтида отданувди ҳаммаси,
Чошка вақти хон ўрдасига етди.

Отдан тушиб, кирди Аҳмадбек Сардор,
Ул ўрдада бордир қанча амалдор,
Ҳамма қарап Аҳмадбекнинг кўзига
Аҳмад боқолмас ҳеч кимнинг юзига.

Ерга қараб Аҳмад ўрдага юрди,
Гўрўғлихон бек тоғасини кўрди.
Амир сulton қилмас ёмонлик ишни,
Тоғам бўлса ўзи қилган қилмишни.

«Қатталардан уялмасин тоғам» деб
Хон тахтидан турди, пастроққа тушди,
Аҳмад бошин баланд қилиб йўл юрди,
Яқин борди, Гўрўғлихонни кўрди.

Тоғасини кўриб тахтидан тушди,
Тоға-жиян қучоқлашиб кўришди,
Аҳмад ишин қилолмайди ҳеч киши,
Ҳаргиз ёмон бўлмас яхшининг иши.

Кўздан ёшин гурра-гурра тўқади.
Ўзига душмандир, қилган қилмиши,
Қози Мансурни хон Гўрўғли чақирди,
Муншисига мероснома битирди.

Минг кишига қилди саркарда боши,
Тоғасининг хон гуноҳин кечирди.
Яна нома битди мулла, муншилар,
Аваз билан Бедиёрнинг икковин,

Мулкка мерос қилди икковини баробар,
Хон қилди охирги ўйини,
Аҳмадбекка берди аввалги жойини.
Уч кун қилди элу юртга тўйини.

Ойхуморни олиб берди никоҳлаб,
Бедиёрга бағишлайди бўйини.
Бедиёр етди меҳнат қилиб муродга
Аҳмад қолди Гўрўғлидан уятга!